

«ЖАМИЯТДАГИ ЎЗГАРИШЛАРДА МАҲАЛЛА
ТАШАББУСКОР, ХАЛҚҚА ЕЛҚАДОШ БЎЛИШИ КЕРАК» 2

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ: ТАДБИРКОРЛИК МУМКИН
ЭМАС, СОВҒА ВА МУКОФОТ ТАҚИҚЛАНАДИ 8

Маҳалла



№32 (2066)

ШАНБА, 13 АВГУСТ, 2022 ЙИЛ

www.xolisnazar.uz @xolis_nazar @xolisnazar



Жавобсиз савол, ечимсиз масала йўқ

4-саҳифада.

ПРЕЗИДЕНТ ТАКЛИФИ БИЛАН...

**«ОҚИЛА АЁЛЛАР»
ҲАРАКАТИ ЭНДИ
«МАҲАЛЛАНИНГ
ВИЖДОНИ»ГА
АЙЛАНАДИ**

7

ҲОДИСА

**Қўрқинчли
СТАТИСТИКА:
ҲАР ИККИ КУНДА
БИТТА БОЛА
ЙўЛЛАРДА ҲАЛОК
БўЛМОҚДА (!)**

9

МИНБАР

**НАФАҚАТ
ҲОКИМЛАР, ҲАТТО
ТАДБИРКОРЛАР
ҲАМ КЕНГАШГА
КИРИТИЛМАСЛИГИ
КЕРАК**

11

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

**2050 ЙИЛГА
БОРИБ
ЮРТИМИЗДА СУВ
ТАНҚИСЛИГИ
БЕШ БАРОБАРГА
ОШАДИ...(МИ?)**

14

МУНОСАБАТ



«Жамиятдаги ўзгаришларда маҳалла ташаббускор, халққа елкадош бўлиши керак»

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ «СОБИРОБОД» МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИГА ТАШРИФ БУЮРГАНИ ХУДУДДА ЯШОВЧИ АҲОЛИГА КАТТА ҚУВОНЧ БАХШ ЭТДИ

Маҳаллалардаги ободлик, гузаллик, қулай шарт-шароит ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун, аввало, ташаббус ва маблағ зарур. Бугун Президент Шавкат Мирзиёев юртимиздаги ўзгариш ва ислохотларнинг ҳар бир маҳаллага кириб боришига, бунинг учун бюджетдан ажратиладиган маблағни маҳалла даражасида тақсимлашга эришди. Мутасаддиларни мана шундай вертикал ишлашга ўргатди. Натижаси бугун оиламизда, ҳовлимизда, кўчамизда, маҳалламизда сезилляпти.

Президентнинг маҳалламизга ташрифи чоғидаги фаоллар, нуронийлар билан мулоқоти асосини муносиб турмуш даражасига эришиш масаласи ташкил этди. Маҳаллада яратилган ноёб тизимнинг ўзига хос томонлари, аҳоли розилиги йўлида амалга оширилган лойиҳалар, иш ўринларини яратиш, бир сўз билан айтганда, энг кичикдек кўринган масаладан энг йиригигача муҳокама қилинди, ташаббуслар ўртага ташланди.

Президент: «Ҳозир маҳалла фаоллари катта бир команда бўлди. Раиснинг ёнида ўринбосарлари, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, профилактика нозирлари бор. Бўлгандаям, ойлиги, шароити, вақолати билан бор. Энди шундай муносабатга жавобан масъулият ҳам бўлиши керак. Жамиятдаги ўзгаришларда маҳалла ташаббускор, халққа елкадош бўлиши керак», — дея алоҳида таъкидлади.

Қолаверса, давлат раҳбари ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги, бунда, айниқса, нуронийлар, кўпни кўрган кексалар тажрибасига суяниш лозимлигини қайд этди. Ватаннинг

эртанги куни айнан болалар эканини ёдда тутган ҳолда, улар билан ишлашнинг ўзига хос «Юнусобод тажрибаси»ни намуна сифатида яратиш кераклигини билдирди. Бунинг учун барча шароит ва имкониятлар бор, албатта.

«Маҳалланинг дарду ташвишларини билган, ўзидан ўтказган инсон келажақда ҳам қайси лавозимда бўлмасин, асло қийналмайди», — деди Президент. Ва ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашди. Бу йиғилган ҳар бир кишига улкан рағбат бергани шубҳасиз.

Шу ерда Бош вазир ўринбосарлари маҳалла фаоллари олдида Юнусобод туманига қанча инвестиция жалб этилиши, қанча иш ўрни яратилиши бўйича ахборот берди. Тумандаги 64 та маҳалланинг ривожланиш драйверларидан келиб чиқиб, йил охиригача ҳудудда 20 мингта янги иш ўрни яратилиши ва бунинг учун 200 миллион АҚШ доллари йўналтирилиши билдирди.

«Янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни алоҳида назоратга олиш, бир сўз билан айтганда,

аҳолини рози қилиш йўлидаги ишларимизни бир зум ҳам тўхтатмаймиз», — деди Президент.

Аҳоли турмуш даражасида маҳаллалардаги шароит, инфраструктура ва хизматлар сифати муҳим омил. Ислохотлар натижалари, ўзгаришлар, аввало, маҳаллада сезилади. Илгари одамлар муаммолар бўйича ҳокимликка борарди, хатлар ёзарди. Энди ҳар бир маҳаллада Президентнинг вакиллари бор. Энди улар хонадонларни ўрганиб, ёрдамга муҳтож оилаларга кўмаклашиш, ишсизларни касб-хунарга ўқитиш, имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш бўйича ишларни самарали йўлга қўйган.

Маҳалламизда 10 минг нафарга яқин аҳоли яшайди. Ўсиш нуқтамиз — тадбиркорлик. Ҳудудда ишлаб чиқариш корхоналари, маиший хизмат шохобчалари, хусусий клиникалар, озиқ-овқат дўконлари фаолият кўрсатмоқда. «Маҳаллабай» ишлаш тизими натижасида ижтимоий муҳим масалалар ҳал этилмоқда. Жумладан, кўп қаватли уйларнинг қиёфаси янгиланди, йўлақлари, коммуни-

кация тармоқлари таъмирланди.

Маҳалла ҳудудидан ўтувчи Юқори Қорақамиш канали атрофи илгари қаровсиз, кўримсиз жой эди. Эндиликда ободонлаштирилиб, сўлим хиёбонга айлантирилди. Пиёдалар учун кўприклар, болалар ўйингоҳи ва спорт майдончалари, велосипед йўли, фаввора барпо этилди. Уриндиклар, шахмат столи, чархпалак ўрнатилди. Дарахтлар экилиб, чимлар ётқизилди. Канал атрофидаги ҳудудда 300 метр узунликдаги ишқомлар қилиниб, узум парваришланмоқда. Шу кунги фаоллар таклифи билан бу ерда замонавий спорт мажмуаси қурилиши белгиланди.

Президент халқимиз мана шундай обод, чиройли жойларда яшашга муносиблиги, ишларни «маҳаллабай» ташкил этаётганимиздан мақсад шу экани, энди бу ерда муҳит, кўни-кўшничлик, аҳиллик мустаҳкам бўлиши лозимлигини қайд этдилар.

Нигматилла АБДУРАҲИМОВ,
Юнусобод туманидаги «Собиробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

БОШ ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ ИШТИХОН МАҲАЛЛАЛАРИДА БЎЛДИ



Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамova Иштихон туманидаги маҳаллаларда бўлиб, бу ерда шарт-шароитлар билан қизиқди.

Дастлаб туман маҳаллаларидаги хотин-қизлар учун сайёр қабул ўтказилди. Унда ҳудуддаги аёлларнинг мурожаатлари ўрганилиб, айримларига жойида ечим топилди. Вақт талаб қиладиганлари бўйича туман масъулларига тегишли кўрсатмалар берилди.

Шундан сўнг З.Маҳкамova туман ҳокими Ф.Рўзиёв ҳамроҳлигида бир неча хонадонларда бўлиб, оилалар, хусусан, хотин-қизларнинг турмуш тарзи, фаолияти билан қизиқди.

Абдулла Туропов оиласи — «Халқобод» маҳалласи Бодай кишлоғидаги оддий оилалардан бири. Абдулла

ака анча йилдан буён асарачилик билан шуғулланиб келади. Ўғли, неварасини ёнига олиб, уларга бу фаолият сирларини ўргатган. Оилага қўшимча даромад келаётгани туфайли хонадон обод. Бу хонадон тажрибасини оммалаштириш, қолган маҳаллаларда жорий этиш зарурлиги билдирилди.

«Шейхлар» маҳалласидаги 4-умумтаълим мактабида хотин-қизларга бичиштиқиш маҳоратини ўргатиш мақсадида тикув цехи фаолияти йўлга қўйилган. Ҳозирда 30 нафар хотин-қиз тикув цехида хунари ўрганиб, сертификат олган. Муҳими, уларнинг

барчаси иш билан таъминланган. Бош вазир ўринбосари тикувчи хотин-қизлар билан яқиндан суҳбатлашиб, уларнинг муаммоларини тинглади, таклифларига кўра кўмак беришини айтди.

Бош вазир ўринбосари туманда «Темир дафтар» ва «Аёллар дафтари»га киритилган эҳтиёжманд оилалар тақдири, уларни кўллаб-қувватлаш учун яратилаётган имкониятлар билан қизиқди. «Дафтар»дан чиқариш учун тумандаги масъул идоралар амалга ошираётган лойиҳалар, амалий ишлар билан яқиндан танишди ва бу борада зарур тавсиялар берди.

СЕМИНАР

ОЧИҚ ВА ЖОНЛИ МУЛОҚОТЛАР МАЙДОНИ

ХАЛҚИМИЗДА АЗАЛДАН КЕНГАШЛИ ИШЛАР МАҲАЛЛА БИЛАН БАМАСЛАХАТ ҚИЛИНГАН. ШУ БОИС МАҲАЛЛА РАИСИ ОДАМЛАРНИ ЎЗ ОРТИДАН ЭРГАШТИРА ОЛАДИГАН, ҲАЁТИЙ ТАЖРИБАГА ЭГА, САЛОҲИЯТЛИ, ТАШАББУСКОР ВА ИСЛОҲОТЧИ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ



СЕМИНАРЛАР ҚАНДАЙ ЎТДИ?

Айтиш керакки, май ойида сайланган 9 349 нафар фуқаролар йиғини раисларини ўқитиш бўйича Ўқув-семинар дастури ва ташкилий тадбирлар ишлаб чиқилди.

Семинарлар икки босқичда ташкил этилди: биринчи босқичда — 27-29 июнь кунлари Давлат бошқарув академиясида жами 182 нафар вазирилик ва идоралар ҳамда олийгоҳлар профессор-ўқитувчилари, ҳудудий бошқармалар раҳбарлари таркибида тренер-модераторлар тайёрланди. Иккинчи босқичда — 1 июлдан 6 августга қадар маҳалла раислари бевосита ҳудудлардаги давлат ОТМларида гуруҳларга бўлинган ҳолда, бир ҳафталик дастур асосида ўқитилди.

Семинарнинг ўқув дастурида — маҳалла раислари билишлари лозим бўлган 18 та асосий мавзулар тайёрланди. Мавзуларда маҳалла тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, маҳалла раисларининг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, маҳалладаги бешлик (ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва профилактика нозир) билан яқдилликда ҳамда ҳокимлар, сектор раҳбарлари, маҳаллий кенгаш ва давлат органлари билан ҳамкорлигига доир барча ташкилий ва амалий масалалар батафсил ёритилди.

Семинар дастури 36 соатга мўлжалланган бўлиб, мавзулар интерфаол усулда, семинар-тренинг, амалий машғулот ва давра суҳбатлари тарзида ёритиб берилди.

Унинг доирасида ҳар кун битта вилоят сектор раҳбари билан давра суҳбатлари ташкил этилди. Ўқув-семинарларнинг охири кун маҳалла раисларининг 2022 йилга мўлжалланган манзилли Иш режалари тайёрланиб, тақдимот қилинди ва ўқитилган мавзулар бўйича тест синови ўтказилди.

МАҲАЛЛА РАИСИ ОДАМЛАРНИ ОРТИДАН ЭРГАШТИРА ОЛИШИ ЗАРУР

Юқорида айтганимиздек, кун кеча Қорақалпоғистон Республикасида семинарлар якунланди. Ҳудуддаги 420 та маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари босқичма-босқич Бердақ номидаги Қорақалпоқ унверситетида ўқитилди.

Унда раисларнинг ўз маҳалласи «ўсиш нуқтаси»ни аниқлаш ва шу асосда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолига банк кредити, субсидия ажратишга қўмаклашиш, янги иш ўринлари яратиш, айнан шу ҳудудга хос муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш масалалари бўйича амалий билим ва кўникмалари оширилди.

— **Халқимизда азалдан кенгашли ишлар маҳалла билан бамаслаҳат қилинган, — дейди Нукус шаҳридаги «Чимбой гузари» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комила Жумашева.** — Шу боис маҳалла раиси одамларни ўз ортидан эргаштира оладиган, ҳаётий тажрибага эга, салоҳиятли, ташаббускор ва ислоҳотчи бўлмоғи лозим. Ўқув-семинари айни шу кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бу ерда тизимга оид қонунчилик, ваколат ва мажбуриятларимиз ҳақида янада аниқроқ маълумотларга эга бўляпмиз. Худудимизни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда секторлар билан ҳамкорлик масалаларини чуқурроқ ўрганишимиз. Бундай очиқ ва жонли мулоқотлар фаолиятимиз самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўқув жараёнида раисларнинг раҳбарлик маҳорати ва муомала маданияти, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами ва кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳалланинг ваколатлари ва бошқа қатор вазифалар юзасидан маърузалар тингланиб, қизғин фикр алмашилди. Малака ошириш курсларидан муваффақиятли ўтган тингловчиларга сертификатлар топширилди.

МУХБИРИМИЗ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ШУҲРАТБЕК АБДУРАҲМОНОВ «ОБОД» МАҲАЛЛАСИДА БЎЛДИ

Андижон вилояти ҳокими Шухратбек Абдураҳмонов ҳудудларда аҳоли билан мулоқотлар ўтказиб, амалга ошириладиган ободонлаштириш, қурилиш-таъмирлаш ва бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Избоскан туманидаги «Обод» маҳалласида бўлди.



Айни кунларда ушбу маҳалланинг Файзиобод кўчасида янги 280 ўринли мактаб бунёд этилаётган бўлса, Турон кўчасидаги 350 ўринли таълим муассасаси қайта таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилмоқда. Вилоят ҳокими бунёдкорлик ишларини кўздан кечириб, зарур тавсия ва кўрсатмалар берди.

Шунингдек, маҳалладаги аҳоли вакиллари билан мулоқотда уларни қийнаётган муаммоларга эътибор қаратди. Жараёнда мутасаддиларга фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятларини қўллаб-қувватлаш, кредит маблағлари ажратиш ва йўлларни таъмирлаш каби масалалар юзасидан топшириқлар берди.

Х.АБДУРАҲМОНОВ.

«МУРОЖААТИМ ШУ ҲАФТАНИНГ ИЧИДАЁҚ ЕЧИМ ТОПАДИ»



Тахياتош туманидаги «Нурли келажак» маҳалла фуқаролар йиғинида туман ҳокимлиги томонидан сайёр қабул уюштирилди.

Қабулда фуқаролар бандлик, уй-жой, кадастр хизмати, кредит, моддий ёрдам ва бошқа масалалар бўйича мурожаат қилди. Уларнинг ҳар бири билан яқка ҳолатда суҳбат ўтказилиб, мурожаатлар алоҳида назоратга олинди. — Қабулда бир марталик моддий ёрдам сўраб мурожаат қилдим, — **дейди Дина Кузенбаева.** — Мутахассислар бунинг учун зарур ҳужжатларни маҳаллага топширишим кераклигини айтди. Шу ернинг ўзида йиғин фаолларига кўрсатмалар берилди. Мурожаатим шу ҳафтанинг ичидаёқ ечим топадиган бўлди.

— Мен келинимнинг уйини таъмирлаб бериш бўйича ёрдам сўрадим, — **дейди М.Утемуратов.** — Масаланинг ечими белгиланган тартибда халқ депутатлари туман Кенгашида кўриб чиқилиб, «Саховат ва кўмак» жамғармасидан маблағ ажратиладиган бўлди. Олис қишлоқ одамлари учун ташкил этилаётган бундай қабуллардан хурсандимиз.

Қабуллар давомида аксарият мурожаатлар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинган бўлса, вақт талаб қиладиганлари бўйича масъул ташкилотларга кўрсатмалар берилди.

ОММАВИЙ ҚАБУЛ

Давлатимиз раҳбари топшириғи асосида тузилган Республика ишчи гуруҳининг Тошкент вилоятида ташкил қилаётган навбатдаги оммавий қабуллари бир ҳақиқатни яна исботламоқда: жавобсиз савол, ечимсиз масала йўқ. Ҳақиқат баҳсларда туғилади, мулоқотларда ойдинлашади. Мана шундай очик-жонли мулоқотларнинг навбатдаги манзиллари – Чиноз туманининг «Нафис», Ўрта Чирчиқ туманининг «Халқобод» маҳаллалари бўлди.



Жавобсиз савол, ечимсиз масала йўқ

Президент Халқ қабулхоналарининг бу галги қабулларида ҳам барча вазирликлар, турли соҳаларга оид ўнга яқин республика идоралари ва ташкилотлари, вилоят секторлари раҳбарлари ҳар бир мурожаатни синчиклаб ўрганмоқда. Жараёнда тadbirkorлик билан боғлиқ масалаларга жойида ечим топиш учун бор куч-имконият сафарбар қилинмоқда.

Айталик, Чиноз тумани Олмазор кўрғонида фаолият юритаётган «Pronto Textile Group» масъулияти чекланган жамияти тўқимачилик корхонасида 800 нафардан ортиқ киши ишлайди. Ҳар йили ўртача 10 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади. Аммо буюртмачи ташкилотлардан бири шартномага кўра 15 фоиз тўловни олдиндан амалга ошириб, маҳсулотни тўлиқ олса-да, қолган маблағни бермай юрди. Корхона директори ўринбосари Рустам Раҳматов қабулда айна шу масалани ҳал қилишда амалий ёрдам сўрагач, мулоқот асносида бу муаммага ечим топилди.

Чинозлик Озода Раҳимова хонадонидан сартарошхона очишни ният қилгану,

сармоёси йўқлигидан қийин вазиятга тушиб қолган экан. Аёлга бизнес режасини амалга ошириши учун субсидия ажратиладиган бўлди.

Мулоқотлар майдонида ўтган галги оммавий қабулларда масалалари ҳал қилингани учун миннатдорлик билдириш учун келган кўплаб одамларни ҳам учратдик. Ўрта Чирчиқ туманидаги корхоналардан бирида ҳайдовчи бўлиб ишлаган Ғаффорали Атаевнинг аввалга қабулдаги мурожаатидан сўнг прокуратура органлари унга 7 миллион 165 минг сўм ойлик маоши тўлаб берилишини таъминлади.

Чинозлик Феруза Йўлчиева ҳам Бош прокуратура масъулларига бир оғиз раҳмат айтиш учун келибди. Турмуш ўртоғи ва қайнотаси вафот этгач, ёшгина боласи билан ёлғиз қолган. Таъмирга муҳтож уй-жойи эпини қилолмаган аёл шундай қабулларда амалий ёрдам сўрагач, яқинда 2-сектор кўмагида ички имкониятлар ҳисобидан унинг уй-жойи таъмирлаб берилибди.

Ҳа, мамлакатимиз етакчиси кўп бора таъкидлаганидек, республика ва вилоят даражасидаги раҳбарлар аҳоли орасида қанча кўп юрса, халқ дардини теранроқ ҳис

қилади, мурожаатлар камайиб, фуқароларнинг ортиқча овозгарчиликларига барҳам беради. Оммавий қабуллар натижадорлиги эса аввало фуқаро ва раҳбарларнинг ўзаро бир-бирини тинглаши, бир-бирини тушунишига боғлиқ.

Қабуллар давомида кўплаб иқтисодий-ижтимоий масалаларга ечим топилди. Дейлик, Чиноз туманидаги «Йўлтушган» маҳалласида яшовчи Бахтиёр Аҳмедов маҳалладаги 362 та хонадонни ичимлик суви билан таъминлашда амалий ёрдам сўради. Ўрганишлар бу борада дастур асосида лойиҳа тайёрланганини, фақат молиялаш масаласи ҳал қилинмаганини кўрсатди. Вилоят ҳокимлиги тез орада мазкур лойиҳани молиялаштирадиган, пировардида 362 та хонадон оби-хаёт билан таъминланадиган бўлди.

Чинозлик опа-сингил Рухшона ва Гуласал Ҳамидуллаевалар яқинда Италия давлатида таэквандо бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланма олишган, бироқ халқро мусобақага боришга моддий имкон топа олишмаётган экан. Мурожаатдан сўнг



вилоят ҳокимлиги опа-сингилларнинг бу борадаги сафар харажатлари учун 20 миллион сўм ажратадиган бўлди.

Мурожаатларидан сўнг ўртачирчиқлик Дилноза Худойберганава тумандаги «Шодлик» мактабгача таълим ташкилотига тарбиячи бўлиб ишга қабул қилинган бўлса, оғир ижтимоий аҳволдаги талаба Дурдона Ғуломовага янги ўқув йили учун контракт пуллари тўлаб берилдиган бўлди. Худди шундай мулоқотлар асносида бир неча йилдан буён тос суяги емирилишидан азият чекиб келаётган чинозлик Абдурасул Эшмуродовга вилоят ҳокимлиги бепул жарроҳлик амалиёти ўтказиши ва соғайиши учун амалий ёрдам кўрсатадиган бўлди.

Ҳаёт давом этар экан, инсон бор экан, мурожаатлар бўлиши табиий. Президентимиз асос

солган халқ билан мулоқот тизими кўплаб инсонларни анча вақтдан бери ўйлантириб келаётган масалаларга ечим топиш билан бирга «Инсон кадри учун» ғоясини амалга оширишда ҳам муҳим платформа бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг алоҳида топшириғи асосида тузилган Республика ишчи гуруҳининг Чиноз ва Ўрта Чирчиқ туманларидаги оммавий қабулларида 406 та масала кўриб чиқилди, уларнинг 81 таси жойида ҳал қилинган бўлса, 85 нафар мурожаатчиға ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилди, 240 та мурожаат бўйича эса аниқ муддат ва масъуллар белгиланиб, назоратга олинди.

Бу каби мулоқотлар Оҳангарон шаҳрида ҳам ташкил қилинди.

Мансур АБДУСАТТОВ.

МАНЗАРА

«ТИББИЙ КЎРИК УЧУН УЗОҚҚА БОРИЛМАЙДИ»



Президентнинг олис ва чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли учун тиббий пунктлар ташкил этиш бўйича берган топшириғи ижроси ҳудудларда узок куттирмаяпти.

Маҳалламизнинг Пастки Тувадоқ кўчасида янги тиббий пункт фойдаланишга топширилди. Гап шундаки, эндиликда шу масканда истиқомат қилувчи 3 минг нафардан зиёд аҳоли шифокор кўриги, турли муолажалар, эмлаш ишлари учун узок йўл босиб оилавий поликлиникага боришмайди. Сифатли ва тезкор тиббий хизмат кўрсатиш учун муассасага 1 нафар шифокор ва 4 нафар патронаж ҳамшира бириктирилди.

Азизбек МИРЗАМАҲМУДОВ, Асака туманидаги «Тувадоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

НИГОҲ



«Ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмаяпти»

БУГУН ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛА ТИЗИМИГА ЭЪТИБОР ТУБДАН ЎЗГАРДИ. ЗЕРО, БУ АҲОЛИ БИЛАН БЕВОСИТА ИШЛАШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ ВА АНЪАНАВИЙ ТИЗИМИДИР. ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТНИНГ БУНДАЙ УСУЛИНИ, БОШҚАЧА ҚИЛИБ, «МАҲАЛЛАБАЙ» ИШЛАШ ТИЗИМИ ДЕБ АТАЯПМИЗ

Дарҳақиқат, маҳалладаги мавжуд муаммолар ва аҳолининг кундалик масалаларига ечим топишни биргина маҳалла тизими ходимлари кучи билан бартараф этиш имконсиз. Шу сабабли жараёнда ҳар бир соҳа масъулларининг иштироки ва аралашуви муҳимдир. Жойларда олиб борилаётган «маҳаллабай» ишлаш тизимининг муҳим асосини ана шу тамойил — барча соҳа вакиллариининг ҳамжиҳат бўлиб, ҳудудлардаги масалаларни ечишга кенг қамровли ёндашиши ташкил этади.

Сўнги йиллардаги ислохотлар натижасида Наманган вилоятида анчадан бери ечилмай келаётган муаммолар ҳал бўлмоқда, аҳолининг барча қатлами доимий қўллаб-қувватланмоқда. Вилоятдаги 782 та маҳаллада «маҳаллабай» тизими асосида ободонлаштириш ишлари йўлга қўйилди. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда умум-халқ ҳашарлари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари, таълим муассасаларининг ўқувчи-талабалари иштирокида «Маҳалламга ниҳол экаман!» акцияси ўтказилди.

Вилоятда 65 ёшдан ошган 110 979 нафар кекса ва нурунийлар бўлиб, уларнинг 60 658 нафари аёллардир. Янгича ишлаш асосида пиру бадавлат отахон-онахонларнинг бой ҳаётий тажрибасидан самарали фойдаланилмоқда. 464 нафар кексаларни профилактик ҳисобда турган ёшларга, 1 404 нафарини нотинч, 821 нафарини ажралиш ёқасига келиб қолган оилаларга бириктирдик. Натижада кексалар ёрдамида 214 нафар ёшлар профилактик ҳисобдан чиқарилди, 790 та нотинч оила муаммоси ечилди, 1 858 та оила яраштирилди. Ўз навбатида, кексаларга 643 миллион сўмлик ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, 816 нафари санаторийга, 11 963 нафари саёҳатга юборилди.

Вилоятдаги барча маҳаллаларда «Ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича

комиссия»лар тузилган бўлиб, улар томонидан ўтган давр мобайнида аҳолининг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этишга оид норматив ҳужжатлар ижроси бўйича 6 та, электр энергияси таъминоти бўйича 25 та, газ таъминоти бўйича 24 та, сув таъминоти бўйича 33 та, йўл инфратузилмаси бўйича 28 та, таълим тизими бўйича 12 та, соғлиқни сақлаш тизими бўйича 6 та, бошқа ижтимоий масалалар бўйича 27 та объектда жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Шу асосда давлат органларига 27 та мурожаат ва сўров юборилди, давлат органлари томонидан ўтказилган 23 та очик ҳайъат мажлисларида иштирок этилди. Шунингдек, жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик эшитуви ўтказилиб, 4 та ижтимоий-маиший муаммоларнинг бартараф этилиши юзасидан жамоатчилик мониторинги амалга оширилди.

Бундан ташқари, 2022 йилги манзилли дастурга киритилган 6 та маҳалла ва 22 та қишлоқларда олиб борилаётган ободонлаштириш, қурилиш ва бунёдкорлик ишлари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилган.

Маҳаллаларда фаолият юритувчи ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспекторларининг фаолиятини мувофиқлаштириш борасида юқори турувчи ташкилотларга 2 та ҳолатда, яъни Косонсой туманидаги Маҳдуми Аъзам номли маҳалла

хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчисини лавозимидан бўшатишгача бўлган интизомий чора кўриш юзасидан тақдимнома киритилди. 6 та ҳолатда эса рағбатлантириш бўйича тавсияномалар берилди.

Шунингдек, жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида маҳалла раислари томонидан маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларига жами 22 та тақдимномалар киритилди.

Фаолиятимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, жорий йилда 4 811 та оила «Темир дафтар»га киритилган бўлиб, шу кунгача 2 262 таси рўйхатдан чиқарилди, 1 849 нафарининг бандлиги таъминланди. 6 нафар моддий ёрдамга муҳтож ногиронлиги бўлган фуқароларга тиббий, психологик ва ҳуқуқий ҳамда 2 млн. 500 минг сўмлик бир маротаба моддий ёрдам кўрсатилди.

Вилоят бўйича жами 1 067 нафар «қизил» тоифадаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг 445 нафарига тиббий, 150 нафарига психологик ва 150 нафарига ҳуқуқий ёрдам берилди. 591 нафарига жами 323 млн. сўм миқдорида бир маротаба моддий ёрдам кўрсатилди. 7 нафарига 103 млн. сўм миқдорида субсидиялар ажратилди. Урганишлар давомида фуқароларнинг хоши-истакларидан келиб чиқиб, 16 нафарининг бандлиги таъминланди.

Биринчи чорак якуни бўйича Оила ва хотин-қизлар бошқармаси

билан ҳамкорликда оғир турмуш шароитида яшаётган, ногиронлиги бўлган 274 нафар хотин-қизлар реабилитация воситалари билан таъминланди. 107 та ногиронлик аравачаси, 66 та эшитиш мосламаси (қулоқчин) ва 101 та бошқа турдаги реабилитация воситалари берилди.

«Аёллар дафтари»га 53 571 нафар хотин-қизлар киритилган бўлиб, 36 275 нафарининг муаммолари ҳал этилди. Жумладан, 11 747 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар бандлиги таъминланди, 2 169 нафарига имтиёзли кредит берилди, 10 434 нафар боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизларга бир марталик моддий ёрдам маблағи ажратилди, 6 405 нафар (67 фоизи) ижтимоий ёрдамга муҳтож I-ва II-гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизларга бир марталик моддий ёрдам маблағи ажратилди. Уй-жойга муҳтож 38 нафар хотин-қизларнинг 3 нафарига хомийлик асосида уй ажратилди, 35 нафарининг ижара компенсацияси тўлаб берилди.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла бугун чин маънода ислохотчига айланиб бормоқда. Барча масалалар ечими қўйи тизимга тушиб ҳал этилмоқда.

Аҳмаджон АЛАХЎЖАЕВ,
Наманган вилояти Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

МАҲАЛЛАЛАР ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАДИ

Мамлакатимизда биринчи бўлиб Жиззах вилояти Зомин туманидаги «Пешағор» ҳамда Наманган вилояти Янги Наманган туманидаги «Бунёдкор» маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.



Кунни кеча «Пешағор» маҳалласи таклифига биноан, «Бунёдкор» маҳалласи раиси Жобир Алихон бошчилигидаги делегация аъзолари Зомин туманига келди. Учрашув натижасида оралик масофаси 500 км.дан зиёд бўлган икки маҳалла ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Шунингдек, меҳмонлар «Пешағор» маҳалласида бўлаётган ўзгаришлар, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш мақсадида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Қайд этиш керак, «Пешағор» маҳалласининг иқтисодий драйверларидан бири гулчилик ҳисобланади. Ҳамкорлик асосида «Бунёдкор» маҳалласи томонидан гулчилик бўйича амалий кўмак ва маслаҳатлар берилишига, Зоминда «Бунёдкор» аҳолиси учун пансионат қуриш, август ойи охирида Зомин тоғлари этакларида икки маҳалла ўртасида дўстлик фестивали ўтказишга келишиб олинди.

Собир ПАРМОНОВ,
Зомин тумани маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

РАКУРС

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТ

«БУЗ-БУЗЛАР»

МУАММОСИГА
БАРҲАМ БЕРИЛАДИМИ?

АГАР БУТУН МАҲАЛЛАНИ БУЗИШГА ТЎҒРИ КЕЛСАЮ, БИР КИШИ РОЗИ БЎЛМАСА, БУ ҲОЛАТДА УШБУ ФУҚАРОНИНГ УЙИНИ БУЗИШГА ТОКИ У РОЗИ БЎЛМАГУНЧА, ҲЕЧ КИМ ҲАҚЛИ ЭМАС

Сўнги йиллардаги «бuz-бuzлар» муаммоси уй-жой дахлсизлигини таъминлаш билан боғлиқ қонунчиликдаги мавжуд камчиликларни кўрсатиб берди. Конституциявий ислохотлар жараёнида Бош қомусимизга «*Ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Суднинг қарорисиз уй-жойдан маҳрум этилишга йўл қўйилмайди*» мазмундаги қоида киритилмоқда. Бу — эгасининг розилигисиз унинг тураржойига киришга, унга ҳар қандай зарар етказишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини аниқлатади. Айни ўзгариш ноқонуний бузилишларга ечим бўладими-йўқми, деган савол бугун кўпчиликни ўйлантираётгани табиий.

Аслида, хусусий мулк дахлсизлиги билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон қонунчилигида олдиндан бор эди. Хусусан, Фуқаролик кодекси, Шаҳар-созлик кодекси ва бошқа ҳужжатларда бу ўз аксини топган. Бироқ сўнги йилларда ушбу соҳадаги ҳужжатлар турли муносабатларни ҳар хил талқин қилишга олиб келди ва бир қатор муаммолар пайдо бўлди. Ушбу масаланинг Конституция даражасига кўтарилиши мулк дахлсизлиги билан боғлиқ устувор йўналишларнинг муҳим жиҳатларини мустаҳкамлашга қаратилган.

— «Бuz-бuzлар»лар нима учун бу қадар долзарб масалага айланди? Бунинг, албатта, ўзига хос иқтисодий асослари бор, — дейди Президент Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази директори ўринбосари Мухсинжон Холмухаммедов. — Яқин ўтмишда тадбиркорлар шаҳарнинг энг даромадли, юқори баҳоланган жойларидан ўзларига ер ва уйлари танлаб олиб, шу йўналишда ҳаракат қилишган. Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар — инвесторларнинг хатти-ҳаракатини ўзгарилади. «Узоқ муддатли ўйин қоидалари» бундан кейин инвесторларни янги жойларга инвестиция киритиш, янги жойларни ўзлаштиришга ундайди. Бу эса мамлакатнинг инвестициявий салоҳиятини янада кенгайтиради.

Энг муҳим жиҳат шуки, хусусий мулк ҳимоясининг Конституция даражасига кўтарилиши аҳолининг ўз мулкига бўлган қанолатини мустаҳкамлайди. Яъни ушбу соҳадаги барча қонун ва қонуности ҳужжатлари айнан Конституциядаги нормаларга мувофиқ бўлади, айнан мана шу ҳужжатда чизилган чизиқдан ташқарига чиқилмайди.

ҲОКИМЛАРНИНГ ЕРНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ ВАКОЛАТИ МУТЛАҚО ТУГАТИЛДИ

2022 йил 29 июнда «Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонуннинг Президент томонидан имзоланиши айни соҳадаги чигалликларнинг олдини олишга хизмат қилди. Унга кўра, эндиликда хусусий мулк битта сабаб — давлат ва жамият эҳтиёжи учун олиб қўйилиши мумкин. Ушбу эҳтиёж учун, аввало, бўш ер майдони кидирилади. Бўш ер топилмасгина, аҳоли мулкига мурожаат қилинади.

Бу масала дастлаб маҳаллий Кенгашда муҳокама қилинади. Ташаббускор шу ер қанчалик зарур эканини вакиллик органига исботлаб беради. Шундан кейингина Кенгаш аҳоли билан бу масалани муҳокама қилишга рухсат беради. Ва улар келтирган сабаблар давлат ва жамият эҳтиёжлари рўйхатида бўлиши шарт. Бузилиши мўлжалланган ҳудуддаги ҳар бир мулкдор рози бўлгач, келишув битими имзоланади. Битимда мулкдор қанча ва қачон компенсация олиши, ер участкаси ёки бинони қачон бўшатиши каби шартлар кўрсатилади.

Бу ерда асосий фактор — мулкдор розилиги ва берилаётган компенсация олиб қўйилаётган мулк баҳосига тенг экани. Мулкдор компенсацияни тўлиқ олиб, мулкни ўз хоҳиши билан тарқ этмагунча қадар у жойни бузиш ёки бошқа хатти-ҳаракатларни амалга ошириш мумкин эмас. Акс ҳолда, бу ҳолат маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

— «Бuz-бuzлар» билан боғлиқ масалани унга бўлиш мумкин: 2019 йилгача бўлган давр, 2022 йилнинг ярмигача бўлган ҳолатлар ва ундан кейинги давр, — дейди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Нодир Тиллаев. — 2018-2019 йилларда амал

қилган тартибда айнан нималар давлат ва жамият эҳтиёжи деб аталиши бўйича аниқ рўйхат мавжуд бўлмаган. Шунинг учун ҳам, айтилиши, ер майдони А тадбиркордан Б тадбиркорга олиб берилган ҳолатлар авж олган. Кейинчалик бу бўйича Президент фармони қабул қилинди ҳамда давлат ва жамият эҳтиёжига нималар кириши кўрсатилди. 2022 йил 29 июнда қабул қилинган қонунда бу масала алоҳида қайд этилган. Эндиликда ҳокимларнинг ерни олиб қўйиш ваколати мутлақо тугатилди. Давлат ва жамият эҳтиёжи учун ер участкаси ёки мулкни бузиш маҳаллий Кенгашлар орқали амалга оширилади.

Яна бир ҳолат — агар бутун маҳаллани бузишга тўғри келса, бир киши рози бўлмаса, бу ҳолда қандай йўл тутилади? Н.Тиллаевнинг қайд этишича, бундай ҳолатда, фуқаронинг уйини бузишга токи у рози бўлмагунча, ҳеч ким ҳақли эмас. Қонунчилик бунга йўл қўймайди. Чунки мулк бузилиши учун томонлар ўртасида битим тузилган бўлиши шарт.

ҚОНУНИ БУЗАНЛАР ҚАНДАЙ ЖАЗО ОЛАДИ?

Ҳақли савол туғилади: одамлар ўз мулки бузилишга тушган ҳақида қанча вақт олдин хабардор этилиши керак? Айтиш керакки, ҳозирги кунда «аввалдан огоҳлантириш» деган институт йўқ.

Фуқароларни безовта қилишдан олдин давлатнинг ўзи шу ер керак ёки керак эмаслигини кўриб чиқади. Агар ерни олиш керак, деган ҳулосага келинса, уни исботлаб бериши керак. Шундан сўнг компенсациялар учун ташкил этилган Жамғарма билан келишади. Агар жамғармада пул бўлмаса, у жой бузилмайд.

Шунингдек, қонунчиликка кўра, ўзбошимчилик билан қурилган бинолар учун мулк ҳуқуқи берилмайди, компенсация тўланмайди, аксинча, бинонинг бузиш харажатлари уни қурган шахс зиммасига юкланади. Ноқонуний қурилмаларни бузиш суд қарори орқали амалга оширилади. Айрим ҳолларда ўзбошимчилик билан иншоот қурганлар тегишли жавобгарликка тортилиши мумкин.

Шу билан бирга, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра, ер участкалари ноқо-

нуний равишда олиб қўйилган тақдирда, мансабдор шахсларга БҲМнинг 100 бараваридан 200 бараваригача бўлган миқдорда жарима солинади. Агар мазкур ҳаракатларда жиноят аломатлари мавжуд бўлса, 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилишга бўлган жавобгарлик белгиланади. Агар мулки «снос»га тушган шахс рози бўлмаса ва унга нисбатан босимлар уюштирилса, фуқаро ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга мурожаат қилиши лозим. Уларнинг мурожаати 10 кун ичида кўриб чиқилади.

ОДАМЛАРГА ВАҚТИНЧАЛИК БОШПАНА БЕРИЛАДИМИ?

Юқорида «бuz-бuzлар» бўйича компенсация тўлаб берилиши кераклиги айтилди. Бироқ ҳали-ҳануз аввалги йилларда бузилган уйлари учун пул олмаган фуқаролар бор. Ҳўш, қачон уларга компенсация тўлиқ тўлаб берилади?

Молия вазирлиги департамент директори Русланбек Мамановнинг қайд этишича, 2018 йил 26 декабрда давлат ва жамият эҳтиёжларига олиб қўйилган ер участкалари учун етказилган зарарни қоплаш учун республика ва ҳудудий жамғармалар ташкил этилган. Ушбу жамғарма ҳисобидан 2019 йилдан буён 12 минг нафардан ортиқ мулкдорга 3 трлн. 255 млрд. сўм маблағ компенсация сифатида тўлаб берилди. 2019 йилдан олдин бузилган мулкларга компенсация берилмаган, бироқ улар ўша вақтда баҳоланган бўлса, суд қарори билан маҳаллий жамғармалар орқали тўлаб берилади.

Яна бир жиҳат — авваллари бузиш баҳонасида фуқаролар қиш кунлари бўлса-да, уйдан чиқариб юборилган ҳолатлар учраб турган. Ҳўш, ноқулай об-ҳаво шароитида тураржой бузилишга тушса, одамлар яшаб туриши учун вақтинчалик бошпана бериладими? Айтиш керакки, агар фуқаро яшаб турган жой ноқонуний қурилган бўлса ва суд қарори асосида бу уй бузилишга тушган бўлса, ноқулай об-ҳаво шароити туфайли суд қарорининг ижроси муайян муддатга (3-4 ой) кечиктирилиши мумкин. Бунинг учун ўша уйда яшаб турган шахс судга ариза билан мурожаат қилиши кифой.

Иброҳим ПЎЛАТОВ
тайёрлади.

ПРЕЗИДЕНТ ТАКЛИФИ БИЛАН...

«Оқила аёллар» ҳаракати

Энди «Маҳалланинг виждони»га айланади

ЭНГ ҚУЙИ ТИЗИМ — МАҲАЛЛАДА ҲАРАКАТНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА «ХОНАДОНБАЙ» МАНЗИЛЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ ВА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Давлат раҳбари 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан йўллаган табригида айнан обрў-эътиборли, катта ҳаётий тажрибага эга «Оқила аёллар» ҳаракатини ташкил қилишни таклиф этиб, бу ҳаракат том маънода «Маҳалланинг виждони»га айланиши кераклигини таъкидлаган эди. Ушбу таклиф ижроси сифатида Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Оқила аёллар» ҳаракати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилинди.

Қарор билан Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий тузилмаларида доимий фаолият юритувчи жамоатчилик тузилмаси — «Оқила аёллар» ҳаракати ташкил этилди. Тегишли Низомга асосан, Ҳаракатнинг аниқ вазибалари белгилаб берилди. Маҳаллаларда оилаларни мустаҳкамлаш, фарзанд тарбиясида ота-она масъулиятини ошириш, «одобли қиз» ва «маърифатли она» қиёфасини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, оилаларда китобхонлик, мутолаа маданиятини тарғиб этиш, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатликни шакллантириш шулар жумласидан.

Шунингдек, ёшлар ўртасида оилавий-ҳуқуқий муносабатлар, оилавий ҳаёт психологияси, оила иқтисоди ва бюджети, репродуктив саломатлик асослари, маънавий-ахлоқий қадриятларга нисбатан ҳурмат руҳида бўлиш масалалари тарғиб қилинади. Умумий тарзда айтадиган бўлсак, «Оила — муқаддас» тушунчасини кенг тарғиб қилиш,

хотин-қизларнинг ислохотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳиридини содда тарзда тушунтириш ҳам кўзда тутилган.

Ўз навбатида Ҳаракат асосий вазибалардан келиб чиқиб, Қўмита даражасида чора-тадбирларни ишлаб чиқади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар даражасида Ҳаракат фаолиятини мувофиқлаштиради, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва иш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди. Ҳаракатни самарали ташкил этиш билан боғлиқ методик тавсияларни ишлаб чиқади ва ҳудудларга етказилишини таъминлайди. Танлаб олинган фаол ва ташаббускор аёллар учун ўқув курслари, давра суҳбатлари ва ижобий тажрибаларни оммалаштириш бўйича республика ва халқаро тадбирларни ташкил этади.

Худди шу тартибда Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ои-

ла ва хотин-қизлар бошқармалари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари ва албатта, маҳалла даражасида функциялари кўрсатиб берилган.

Жумладан, энг қуйи тизим — маҳаллада Ҳаракатнинг асосий йўналишлари бўйича «хонадонбай» манзилли чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади. Худудда очик мулоқотлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ўтказиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва иш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди.

Қоида тариқасида, Қўмитада — 50 нафар, тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармаларида — 35-40 нафардан, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимларида — 30 нафардан фаол ва ташаббускор аёллардан иборат таркиб шакллантирилади. Бунда туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари томонидан ҳар бир маҳалла-

да 15 нафар фаол ва ташаббускор аёллардан иборат бошланғич гуруҳлар ташкил этилади.

Номзодларни вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, бошқа ташкилотлар тавсия этиши мумкин. Ҳаракат етакчиси ҳар уч йилда танланган аёллар орасидан очик овоз бериш орқали сайланади. Шуни ҳам айтиш керакки, агар уч ой давомида юклатилган вазибалар ижроси бажарилмаса, бошқа номзод сайлаш масаласи кўриб чиқилади.

Маҳаллалардаги бошланғич гуруҳлар фаолиятини самарали ташкил этишга маҳалладаги хотин-қизлар фаоли масъул ҳисобланади.

Низомда Ҳаракат ва унинг бошланғич гуруҳи таркибига киритилган шахсларни рағбатлантириш ҳам аниқлаб берилди. Унга кўра, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, фарзанд тарбияси, оила ва хотин-қизлар маънавиятини

юксалтириш йўналишида амалга оширган ишларининг натижадорлиги рағбатлантиришнинг бош омили ҳисобланади.

Бу жараёнда эса худудда истиқомат қилаётган оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг камайиши (олди олинishi) билан боғлиқ кўрсаткичлар инobatга олинади.

Шунингдек, Ҳаракат таркибига киритилган фаол ва ташаббускор аёллар фаолиятини натижалари бўйича Қўмита раиси, «Маърифат» тарғиботчилар жамияти раиси ва ҳудудий бўлинмалар раҳбарларининг тавсиясига асосан давлат мукофотлари, «Мўътабар аёл», «Маҳалла ифтихори», «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони ва бошқа эсдалик, кўкрак нишонлари, идоравий мукофотларга тавсия этилиши ҳамда санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар берилди.

Раъно ТУРДИБОЕВА,
Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси ўринбосари.

МАНЗАРА

«БИРГА ЯШАШ САОДАТИ»



Норин тумани маҳаллаларида 60 йил ва ундан ортиқ вақт бирга яшаб келаётган мўътабар инсонлар учун «Бирга яшаш саодати» тадбирлари ўтказилмоқда.

Тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Наманган вилояти Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Норин тумани ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тумандаги «Кўшарик» маҳалласидаги Мустақиллик кўчаси 38-уйда яшовчи Ҳасанбой ота Қосимов ва Хадича ая Солиевалар 60 йил, «Янги тонг» маҳалласидаги Сайхун кўчаси 45-уйда яшовчи Тўлашмирза ота Раҳмончаев ва Арофатхон ая Раҳмончаева 64 йил, «Катта Яй-

доқ» маҳалласидаги Ж.Мелибоев кўчаси 174-уйда яшовчи Отахон ота Асқаров ва Азизахон ая Асқарова 65 йил, «Тошлоқ» маҳалласининг Мустақиллик кўчаси 38-уйда яшовчи Акрамжон ота Асқаров ва Салтанатхон ая Асқаровалар 60 йилдан буён биргаликда яшаб келмоқдалар.

Кексалик гаштини сураётган ва узок вақт бирга яшаб келаётган бу оилаларга вилоят ҳокимлигининг ташаккурнома-си, ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ва ҳар бир оилага бир миллион сўмдан рағбатлантириш маблағлари топширилди.

Валишер НУРАЛИЕВ,
Норин тумани маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

МОҲИЯТ

Бугун давлат хизматида 118 минг киши меҳнат қилмоқда. Сўнгги йилларда давлат хизматчилари халққа анча яқинлашди, «маҳаллабай» ва «хонадонбай» ишлаш тизими йўлга қўйилди. Ходимларга самарали ишлашлари учун муносаб шароитлар яратилди. Натижада давлат хизматида 40 ёшгача бўлган ходимлар улуши 61 фоизга етди (илгари 37 фоиз бўлган). Бироқ давлат хизмати том маънода халқни рози қиладиган даражага етиши учун ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ: ТАДБИРКОРЛИК МУМКИН ЭМАС, СОВҒА ВА МУКОФОТ ТАҚИҚЛАНАДИ

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ ХИЗМАТ ВАКОЛАТЛАРИ ДОИРАСИДА БИРОН-БИР МУКОФОТ ЁКИ СОВҒА ОЛИШИ, ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДАН ТАШҚАРИДА ҲИСОБВАРАҚЛАР ОЧИШИ, ЧЕТ ЭЛДА КЎЧМАС МУЛККА ВА БОШҚА МОЛ-МУЛККА ЭГАЛИК ҚИЛИШИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИГИНИ ОЛИШИ МУМКИН ЭМАС

2022 йил 8 августда Президент Шавкат Мирзиёев имзолаган «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонун билан бу борадаги муҳим жиҳатлар белгиланди. Қонун 10 та боб ва 64 та моддадан иборат.

Мазкур ҳужжат эндиликда давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти билан боғлиқ барча муносабатларни ягона қоидалар асосида тартибга солади. Бундан буён давлат фуқаролик хизмати татбиқ этиладиган барча вазирлик ва идораларда ходимларни ишга қабул қилиш, фаолияти самарадорлигини баҳолаш, уларни хизмат погоналарида ўстириш, рағбатлантириш ёки интизомий жазолаш ва хизматни тугатиш масалаларида ҳар хил ёндашувларга барҳам берилди.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ ДАВЛАТ ТИЛИНИ БИЛИШИ КЕРАК

Қонун билан давлат органларида фуқаролик хизматини ўташ тартиби, ушбу соҳадаги давлат бошқаруви, давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми белгиланди. Жумладан, давлат хизматига давлат тилини биладиган, тегишли малака талабларига жавоб берадиган Ўзбекистон фуқаролари қабул қилинади.

Давлат хизматчилари учун 5 кунлик иш ҳафтаси ва ҳафтасига 40 соатдан ошмайдиган иш давомийлиги белгиланади. Уларга «хайфсан», жарима, ишдан бўшатиш билан бир қаторда, малака

даражасини пасайтириш ва лавозимини пасайтириш тарзидаги интизомий жазолар қўлланилади. Давлат хизматчиларига 27 кундан кам бўлмаган йиллик асосий таътил берилди.

Қонун билан давлат фуқаролик хизматчиларига «сиёсий» (вазир, раис, директор ва бошқа), «бошқарув» (департамент, бошқарма ва бўлим бошлиқлари) ва «ёрдамчи» (мутахассис, инспектор ва консультантлар) малака даражалари берилди. Бунда маълумоти, иш стажини ва малака ошириш курсларининг натижалари ҳисобга олинади. Бу билан эндиликда юристлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва мудофаа органларидаги ходимларнинг махсус унвонлари каби фуқаролик хизматчилари ҳам махсус мартабалар, яъни малака даражаларига эга бўлади.

ТАДБИРКОРЛИК ҚИЛИШ ВА СОВҒА ОЛИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

Қонунда давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ чекловлар ўрнатилди. Унга кўра, давлат хизматчиси ўзaro яқин қариндошликда ёки қуда томондан қариндош бўлган шахсларнинг айнан битта давлат органи ва ташкилотидан бирга хизмат қилиши мумкин эмас. Уларнинг педагогик, илмий ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият турлари билан, қолаверса, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши-

га йўл қўйилмайди.

Хизмат ваколатларини бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олиш қатъий тақиқланади. Бундан ташқари, давлат хизматчилари Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ва уларга эга бўлишга, чет элда кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгаллик қилишга ҳақли эмас. Улар чет давлат фуқаролигини олиши, сиёсий партияларга аъзо бўлиши тақиқланади.

Белгиланган чекловларга риоя этилмаган тақдирда, давлат фуқаролик хизматчиси нафақат ишдан кетиши, балки жиноий жавобгарликка тортилишига асос бўлади.

КОРРУПЦИОНЕР АМАЛДОР ДАВЛАТ ИШИГА ҚАЙТА ОЛИНАДИ

Маълумки, қонунчилигимизда порахўрлик учун жазо чоралари кўзда тутилган. Аммо маълум вақт ўтгач, биз пора олганларни яна давлат органларида, қайсидир ташкилотларда кўрамиз. Яъни амалда қайсидир маънода коррупционер амалдор амнистия қилинади ва ишга қайта тикланаверади. Энди бунга расман чек қўйилади. Қонун билан коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахслар давлат фуқаролик хизматига қабул қилинмайди.

Бундан ташқари, коррупция хавфи юқори бўлган лавозимларни

эгаллаб турган давлат фуқаролик хизматчилари мажбурий ротация қилинади. Шу билан бирга, қонунга уларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш шартлиги, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлардан тийилиши, ўз хизмат мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланмаслиги, давлат мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши шартлиги каби муҳим нормалар киритилди.

Қонундаги яна бир муҳим жиҳат, бу — давлат хизматчиси даромадлари ҳамда мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этиши шарт.

ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ НЕГА БАРЧАГА МАЖБУРИЙ ЭМАС?

Қонунга кўра, унинг амал қилиши айрим тоифадаги давлат хизматчиларига нисбатан

татбиқ этилмайди. Яъни қонундаги талаблар Президент, Бош вазир, депутат ва сенаторлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари, Марказий сайлов комиссияси, Марказий банк бошқаруви аъзолари, судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун қўлланилмайди.

Хўш, нега? Бунинг сабаби оддий: юқорида келтириб ўтилган соҳалардаги давлат хизматини тартибга солувчи алоҳида қонунлар мавжуд. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг фаолияти «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги, «Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги, «Мудофаа тўғрисида»ги қонун ва бошқа шу каби махсус қонунлар билан тартибга солинади. Мақур қонун талаблари эса фақат Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимларда ишловчи ходимлар учун мажбурий саналади.

Тан олиб айтиш керак, муқаддам давлат бошқарувида юқоридаги нормаларнинг мавжуд бўлмагани ёки қонун билан тартибга солинмагани давлат хизмати муносабатларида таниш-билишчилик, адолатсизлик ва коррупцион хавфларни келтириб чиқаришига ҳамда айрим фуқароларнинг давлат хизматига бўлган ишончнинг камайишига сабаб бўлаётган эди. Эндиликда мазкур қонун мазмунан давлат фуқаролик хизматининг коррупциядан холи бўлишига, унинг жозибдорлигини оширишга ва фуқароларнинг давлат хизматига бўлган ишончининг янада ортишига хизмат қиладди. Қонун Президент томонидан имзолангандан кейин уч ой ўтгач кучга киради.

Санжар ИБРОҲИМОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»ДАГИЛАР УЧУН САЁҲАТ УЮШТИРИЛДИ

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги томонидан «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида Қарши шаҳри ва туманидан 150 нафардан, жами 300 нафар «Аёллар дафтари» рўйхатига киритилган хотин-қизлар учун Шаҳрисабз шаҳри ва Китоб туманига саёҳат уюштирилди.

Сафар давомида меҳмонлар Китоб туманидаги ислом оламининг буюк пирларидан бўлган «Хўжа Муҳаммад Имканоғий» зиёратгоҳи ва Хўжаилмкони қишлоғида бўлишди. Саёҳат давомида улар ҳудуддаги 12 асрлик чинорни бориб кўришди. Сўнгра Шаҳрисабз шаҳридаги «Оқсарой», «Дор-ут Тиловат» ва «Дор-ус Саодат» мажмуаларига

ташриф буюрди. Шунингдек, сайёҳлар учун маҳаллий хунармандларнинг қўл ишларидан иборат кўргазма ташкил қилиниб, Шаҳрисабздаги «Беруний» оромгоҳида саёҳат дастурхони ёзилди. Худи шундай саёҳат Касби туманидаги «Аёллар дафтари» рўйхатига киритилган 150 нафар хотин-қизлар учун ҳам уюштирилди.



ҲОДИСА



ҚўРҚИНЧЛИ СТАТИСТИКА:

Ҳар икки кунда битта бола йўлларда ҳалок бўлмоқда (!)

ЭНГ ЁМОНИ, УРУШ ДАВОМ ЭТАЁТГАН ДАВЛАТЛАРДА ҲАЛОК БЎЛАЁТГАНЛАРГА АЧИНАМИЗУ, БИРОҚ ШУНДОҚКИНА ЁН-АТРОФИМИЗДА УРУШДАГИДАН-ДА КЎПРОҚ БОЛАЛАР ЎЛАЁТГАНИГА БЕПАРВОМИЗ

Сўнги пайтларда йўл-транспорт ҳодисалари (ИТХ) ҳақида кўп гапирилмоқда. Аслида, масаланинг оқилона ечими топилгунча, вазият ижобий томонга ўзгармагунча ҳар қанча гапирса арзийди. Чунки бугунги ҳолат шунга мажбур қилмоқда. Тўғри, ҳайдовчиликка ўқитиш ва гувоҳнома бериш бўйича янги тизим яратилди, мактаб ва боғчалар атрофида тезлик 30 километр соатгача, айрим гавжум жойларда 60 километр соатгача пасайтирилди. Бироқ вазият ҳали-ҳамон муаммолигича қолмоқда.

Эътибор беринг, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида йўлларда 3 минг 559 та ИТХ содир бўлиб, уларда 784 нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмган. Энг ачинарлиси, улар орасида вояга етмаганлар салмоғи катта. Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида Ички ишлар вазирининг январь-июнь ойларида болалар билан боғлиқ 595 та ИТХ юз бериб, уларда 529 нафар бола жароҳатланган ва 97 нафари ҳалок бўлганлигини қайд этди. Аянчли, шу билан бирга, қўрқинчли статистика... Шундай эмасми? Ҳўш, бунга қайси омиллар кўпроқ сабаб бўлмоқда?

ЭНГ АСОСИЙ САБАБЛАР...

Статистикага кўра, ҳар куни дунё бўйича 1,8 млрд. бола мактабга боради. Ачинарлиси, уларнинг ўртача 500 нафари йўлларда автоҳалокат оқибатида уйга қайтиб келмайди. Юқоридаги рақамлардан келиб чиқилса, бизда деярли ҳар икки кунда бир нафар мактаб ўқувчиси эрталаб чиққан остонасига қайтиб келолмаяпти...

Энг аввало, бунда энг катта масъулият ота-оналар зиммасига тушади. Кўчада кетаётганда йўл-йўлакай ҳаракат қоидаларини тушунтириб бориш, асосийси, фарзандларга намуна бўлиб, қоидаларга амал қилган ҳолда ҳаракатланиш зарур. Афсуски, ҳамма ота-оналар қизил чироқ ишорасига парво қилавермайди.

Фарзандини етаклаганча катта йўлдан бамайлихотир ўтаверади. Қуш уясида кўрганини қилади...

Қолаверса, транспорт серкатнов бўлган 2 мингдан ортиқ чорраҳа ва 9,5 мингта пиёда ўтиш жойлари светофор ёки бошқа воситалар билан жиҳозланмаган. Аҳоли пунктлари учун 15 минг километрга яқин пиёда ва велойўлаклар етишмайди. Мактабларга етакловчи йўлларда чақирув мосламаси мавжуд светофорларга эҳтиёж бор. Аксарият йўлларда тартибга солилмаган пиёдалар ўтиш жойини сунъий ёритиш тизими мавжуд эмас. Йўллардаги мавжуд йўл белгилари ва кўрсаткичларнинг деярли ярми талабга жавоб бермайди.

ШУНИНГ ДЕК, ҲАЛИ-ҲАМУЗ МАКТАБЛАРДА ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИ ЎРГАТИШ АСОСИЙ МАШҒУЛОТГА АЙЛАНИБ УЛГУРМАГАН. ЗЕРО, БУ ҚОИДАЛАРНИ БОЛА, АВВАЛО, ОИЛАДА, КЕЙИН БОҒЧА ВА МАКТАБДА ЎРГАНАДИ.

Афсуски, мактабларда ўқувчиларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш талаб даражасида йўлга қўйилмаган. Ҳамон бу йўналишда алоҳида дарслар ташкил этилмаган.

Дарслар фақат бошқа фанлар ҳисобидан, етарли малакага эга бўлмаган ўқитувчилар томонидан олиб борилади.

Бунда яна бир ҳолат мавжуд. Яъни кўп полсалани йўлларда назорат қилинмайдиган (светофорсиз) пиёдалар ўтиш йўлакларини қуриш мумкин эмас. Бу оддий қоида. Бунинг дунёда билишади. Бироқ бизда юзлаб назорат қилинмайдиган пиёдалар ўтиш йўлакларини мавжуд. Магистрал кўчаларда, автомобиль айланма йўлларидан, ОТМлар, мактаблар, бозорлар, аҳоли мавзелари яқинида. Ва уларда одамларни уриб кетиш — одатий ҳол.

БАЖАРИБ БЎЛМАС ВАЗИФА ЭМАС...

Кўриниб турибдики, вазият анча аянчли, йўлларда ҳар икки кунда битта бола ҳалок бўляпти ва энг ёмони, бу кўрсаткич ошишда давом этапти. Бугун шундай ҳолат юзага келдики, тинчлик замони бўлса-да, юрак ҳовучлаб кўчага чиқасиз. Энг ёмони, уруш давом этаётган давлатларда ҳалок бўлаётганларга ачинамизу, бироқ шундоқкина ён-атрофимизда урушдагидан-да кўпроқ болалар ўлаётганига бепарвомиз.

ИТХларда фақатгина болаларнинг айби кўзга ташланаётгани йўқ, албатта. Бу ўринда ҳайдовчилар масъулияти, уларнинг қоидаларга қай даражада амал қилаётгани ҳам

саволарни туғдиради. Аксарият «авария»лар билимсизлик ва йўл қоидаларини яхши билмасликдан келиб чиқаётгани айтиш ҳақиқат. Йўллардаги қарийб 80-90 фоиз ҳайдовчининг билими йўқ, автомактабни битирганда, улар ё дарсларга бормаган, ё пул берган, ё ҳайдовчилик гувоҳномасини сотиб олган ёки имтиҳонларни кўнғироқ ё пул орқали ҳал қилган. Бунга ён-атрофимиздан исталганча мисолларни келтириш мумкин.

Хуллас, болалар иштирокидаги ИТХларни камайтириш бажариб бўлмас вазифа эмас. Бунда, энг аввало, юқорида санаб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, мактаблар яқинидаги йўллар ҳолатини яхшилаш, болаларга йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича сифатли таълим бериш тизими ишлаб чиқилса, ота-оналар масъулияти оширилса, кифоя. Муаммолар ўз-ўзидан ечим топади.

Қолаверса, бу вазиятда халқаро тажриба асосида «мактаб ҳудуди»ни белгилаш зарур. Болалар мактабга кирадиган-қайтадиган пайтга инспекторларни жалб қилиш мумкин, светофор, радар ва оғохлантирадиган, тезликни камайтириш белгиси (20-30 км/соатгача тушириш керак) қўйилиши, йўл ҳаракати қоидаларини мактабда юзаки факультатив эмас, фан сифатида 1-синфдан ўргатиш зарур.

Содиқ АБДУРАСУЛОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ЯНГИ ТИББИЁТ ПУНКТИ АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Ромитан туманидаги «Самосий» маҳалла фуқаролар йиғинида маҳалла тиббиёт пункти фаолият бошлади. Очилиш маросимида маҳаллий ҳокимлик ва кенг жамоатчилик вакиллари, тиббиёт ходимлари ҳамда маҳалла нурунийлари қатнашди.

«Самосий» маҳалласида жами 3 минг 440 нафар аҳоли яшайди. Аҳолига хизмат кўрсатиш қамрови 5 километрни ташкил этади. Йиғин марказидан энг яқин тиббиёт муассасасигача бўлган масофа — 42-оилавий поликлиникагача 2,5 километрни, 37-оилавий поликлиникагача 7 километрни, 41-оилавий поликлиника Аламдор филиалигача 7 километр ва Марказий касалхонагача 17 километрни ташкил этади. Эндиликда янги ташкил этилган тиббиёт пункти шу маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Оғар, Комкўч ва Қосхўр қишлоқлари аҳолисига тиббий хизмат кўрсатади. Айтиш керакки, Президентимизнинг жорий йил 18 март куни тиббиёт соҳаси вакиллари билан ўтказган очиқ мулоқотида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, тумanning узок ҳудудларида ана шундай маҳалла тиббиёт пунктлари очилмоқда. Ромитан туманининг олис ва чекка қишлоқларида жами 6 та маҳалла тиббиёт пункти фойдаланишга топширилади. Пунктлар аҳоли қатновига қулай жойда қурилади.



ВАЗИЯТ

Оддий, аммо олий қаҳрамонликка қандай рағбат кўрсатилади?

Энди фахрий донорлар жамоат транспортининг барча турларидан бепул фойдаланиши, давлат санаторий-курортларида даволаниш учун йўлланмаларни навбатсиз олиши мумкин

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиясига кўра, аҳолини қон компонентлари билан таъминлаш учун қон топширишлар сони аҳоли сонига нисбатан ҳар 1000 кишига камида ўнтани ёки аҳоли сонига нисбатан 1 фоизни ташкил этиши керак. Республика қон қуйиш марказининг маълумотларига кўра, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2021 йилда ҳар минг аҳолига 6,8 нафар ёки 0,68 фоизни ташкил этган. Кўриниб турибдики, мамлакатдаги донорлик даражаси меъёрида эмас.

«ҚОН ҲАҚАТ ДОНОРЛАР КУНИДА ЭМАС, ЙИЛ ДАВОМИДА КЕРАК»

Республика қон қуйиши маркази бўлим бошлиғи Мукаррам Пўлатованинг қайд этишича, Ўзбекистон аҳолиси сони йилдан-йилга ўсаяпти. Туғилиш кўп бўлгани ҳисобига ЖССТ белгилаб берган бир фоизли нисбат пастлигича қолмоқда. Кўпчилик хориж давлатларида донорлик нисбати икки, уч, тўрт фоизгача миқдорни ташкил этади. Бу натижанинг бир учи туғилишнинг камлигига бориб тақалади.

Қолаверса, Ўзбекистонда донорлик турғун эмаслиги тарғиботга боғлиқ. Масалан, ҳар йили фақат «Бутунжаҳон донорлар куни» — 14 июнь атрофида ОАВда тарғиботлар кўпайгани ҳисобига донорлик кўрсаткичи ошади. **Лекин қон фақат июнь ойида эмас, йил давомида керак.** Шунга мутаносиб равишда тарғибот йил бўйи давом этиши лозим. Донорлик даражаси йилда бир неча бор бўладиган акциялар билан кўтарилмайди ёки меъёрлашмайди.

— **Акциялар вақтида қон бирдан кўпайиб кетади, — дейди М.Пўлатова.** — Агар шунга яраша талаб бўлмаса, ишлатилмаслиги мумкин. Белгиланган муддатда фойдаланилмаган қон яроқлилигини йўқотади. Республика қон қуйиш марказига бириктирилган касалхоналарда эритроцитар массага талаб жуда катта. Плазма-

ни икки йилгача сақлаб қолиш имкониятимиз бор, аммо эритроцитар массани 35 кундан узок сақлай олмаймиз. Шунинг учун акцияларни ойлар нисбатига меъёрлаштириш ва донорлар сони учун чегара қўйишга ҳаракат қиламиз.

Очиғи, бир марталик акциялар пухта ечим эмас. Акция орқали қон топширган инсон кўп ҳолларда яна акция қилингандагина бу ҳаракатини такрорлайди. Агар акциялар давомий донорлик қарорини берганда бугун Ўзбекистонда донорлик кўрсаткичи юқори бўлар эди. Қолаверса, донорларни кўллаб-қувватлаш пул кўринишида бўлса, унга қизиқиш камроқ бўлади. Шу боис бу айнан қандайдир имтиёз билан боғлиқ бўлиши зарур: китоблар, ўқув курслари, жамоат транспортлари, самолётлар, поездлар, турли концертларга ва бошқа харидлар учун қанчадир миқдордаги чегирмалар берилиши ҳам донорликни тарғиб қилиши мумкин.

КИМЛАР ҚОН ТОПШИРИШИ МУМКИН?

Қон топширишнинг донорга талаб фойдалари бор. Уларнинг қони доим янгилашиб туриши ҳисобига инфаркт, инсулт ва бошқа юрак касалликларига чалиниш хавфи камаяди. ЖССТ маълумотига кўра, донорлар бошқаларга қараганда 5 йил кўпроқ умр кечиришади. Қолаверса, донорлар қон топширишдан олдин врач қабулида

бўлади. Бу доимий равишда саломатликлари ҳақида бепул маълумотга эга бўлиш имконини беради.

Инсон организмда 4,5-5 литр қон бўлади. Ҳар бир донорлик амалиётида ўртача 350-450 мл. қон олинади. Организм топширилган, яъни йўқотилган қоннинг суюқлиги ҳажмини 1-2 суткада, гемоглабиндаги темир моддасини эса узоғи икки ойда истеъмол қилинган маҳсулотлар ҳисобига тиклаб олади. Шунинг учун қон топшириш оралиғи икки ойдан кам бўлмаслиги керак. 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган, оғирлиги 50 килограммдан юқори, ўзини соғлом деб билган ҳар бир инсон донор бўла олади. Бунда гемоглабин кўрсаткичи эркакларда 128, аёлларда 120 дан юқори бўлса қон олинади.

Республика қон қуйиш марказининг маълумот беришича, юртимизда ҳамма қон гуруҳларига талаб етарли. Статистика буйича 1- ва 2-қон гуруҳи 30 фоиз бўлса, 3-қон гуруҳи улардан камроқ, 4-қон гуруҳи 6-7 фоизни ташкил этади. Энг ноёб қонлар манфий қонлар ҳисобланади. Чунки бу гуруҳдаги инсонлар жуда кам. Манфий қон гуруҳидаги беморлар кўпайса, тақчиллик сезилиб қолади. Қонни захира қилиб бўлмайди, чунки уни сақлаш муддати бор. Бу шароитда, яъни қон зарур бўлган ҳолатда рўйхатда турадиган ноёб қон гуруҳига кирувчи донорлар ёрдамга келишади.

ФАХРИЙ ДОНОРЛАР УЧУН ЖАМОАТ ТРАНСПОРТЛАРИ БЕПУЛ БЎЛАДИ

2022 йил 9 августда «Республикада қон билан ишлаш хизмати мусассалари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорда қон билан ишлаш хизматини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди. Аҳоли орасида беғараз донорлик маданиятини шакллантириш, донорлик ҳаракатини кенг жамоатчилик иштирокида

ривожлантириш, қон донорларига сифатли хизмат кўрсатиш ва улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш шулар жумласидан.

Ҳужжат билан **2023 йил 1 январдан бошлаб**, «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўкрак нишони билан тақдирланган шахсларга бир йўла бериладиган пул мукофоти суммаси **БҲМнинг 5 бараваридан 15 бараваригача (1,5 млн. сўмдан 4,5 млн. сўмгача)** оширилади (**мазкур кўкрак нишони ҳаёти давомида тўлиқ 40 марта қон ёки 60 марта қоннинг бир элементини топширган инсонларга берилади**). Қолаверса, уларга қуйидаги ҳуқуқларга эга.

☑ **улар учун қулай бўлган вақтда** йиллик асосий меҳнат таътилига чиқиш;

☑ **шаҳар жамоат транспортининг барча турларидан** (йўналишли ва йўналишсиз таксилардан ташқари) бепул фойдаланиш;

☑ **давлат санаторий-курортларида** даволаниш учун **йўлланмаларни навбатсиз олиш.**

Бундан ташқари, доимий (**йилига камида 3 марта қон топширувчи**) донорлар ва уларнинг яқин қариндошлари (ота-оналари, турмуш ўртоғи, фарзандлари, ака-ука ва опа-сингиллари, турмуш ўртоғининг ота-оналари) стационар даволаниш жараёнида, зарурат туғилганда, қон ва унинг таркибий қисмлари билан **бепул таъминланади.**

Донорларни бепул овқат билан таъминлаш буйича ҳаражатларнинг қиймати республика буйича бир хил — **меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3 фоизи** (ҳозирда 27 минг сўм) миқдоридан белгиланади. Иммунодонорларга ўтказилган иммунизация ва топширилган плазмаси учун ҳақ тўлаш миқдори **меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг (920 минг сўм)** оширилиши даражаси доирасида мутаносиб равишда индексация қилиб борилади. Шошилиш ҳолатларида донор қонининг таркибий қисмларини ташиш учун тез тиббий ёрдам хизматидан фойдаланишга рухсат берилади.

С.ИСМАТОВ

донорлар
5 йил
кўпроқ
яшайдилар

Қон фақат июнь ойида эмас, йил давомида керак.

1- ва 2-қон гуруҳларига талаб 30 фоиз бўлса, 3-гуруҳ улардан камроқ, 4-қон гуруҳига талаб 6-7 фоизни ташкил этади

Қон янгилашиб туриши ҳисобига инфаркт, инсулт ва бошқа юрак касалликларига чалиниш хавфи камаяди.

«Ўзбекистон Республикаси фахрий донори»га БҲМнинг

15 баравари

Донорлик ҳар қандай киши қила оладиган оддий, лекин олий қаҳрамонликдир. Бир томчи қон бутун бир ҳаёт демасдир. Кимнингдир кичик ёрдами ким учундир катта маънога эга, бебаҳо мурувват. Узгалар соғлиғи ва ҳаётини сақлаб қолиш учун ўз қонидан берувчи кишилар қарори ҳар қандай таҳсинга сазовор...

МИНБАР

Нафақат ҳоқимлар, ҳатто тадбиркорлар ҳам Кенгашга киритилмаслиги керак



КЕНГАШЛАР ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ ИЗЧИЛ, САМАРАЛИ, МУСТАҚИЛ ВА МАНТИҚЛИ ЮРИТИШИНИ ИСТАСАК, ПРОФЕССИОНАЛ СИЁСАТЧИЛАР СИНФИ, ҲЕЧ КИМГА ТОБЕЪ ВА ҚАРАМ БЎЛМАГАН ПРОФЕССИОНАЛ ДЕПУТАТЛАР КОРПУСИНИ ЯРАТИШИМИЗ ЗАРУР

Муҳокама мавзусидаги саволга жавоб аниқ ва яққол: ҳоқимлар бир вақтнинг ўзида ҳудуд Кенгашига раислик қилиши мумкин эмас. Бу демократик жамият мантиғи-маъносига тўғри келмайди.

Сабаби, Кенгашлар айна ҳоқимият, яъни ижро ҳоқимияти устидан жамоат назоратини ўрнатадиган ташкилот, Кенгаш депутатларини халқ айна шу мақсадда сайлашади. Кенгаш ўз ҳудудиди, шу жумладан, маҳаллий бюджетларни тасдиқлайди ва ҳоқимият томонидан ушбу тушум ва харажатларини мақсадли ва тежамкорона амалга оширилишини назорат қилади. Ҳоқимият Кенгашга бу борада ҳисобот беради. Шундай экан, ҳисобот берувчи ва уни назорат қилувчи шохобчалар ўзаро туташиб кетиши ва ҳоқимлар бир вақтнинг ўзида депутатлар Кенгашларини ўзлари бошқариши нақадар мантиққа тескарилиги яққол аён бўлиб турибди.

Энди Кенгашларнинг ўзига келсак, маҳаллий Кенгашларда маҳалла раисларидан тортиб, ҳудудий давлат корхоналари, масалан, ҳудудгаз, ҳудудий электр таъминот корхонаси раҳбарлари каби маҳаллий

идоралар раҳбарлари бўлади. Бу ҳам, менимча, нотўғри. Чунки, биринчидан, Кенгашга ва уни сайлаган сайловчиларнинг айна шу корхона ва ташкилотларга савол, таклиф ҳамда шикоятлари бўлиши муқаррар. Бундан ташқари, корхона раҳбарлари профессионал муҳандис ёки менежерлар ҳисобланиб, улар Кенгаш мажлисларида вақтларини ўтказмай, ўз ишларини сифатли бажаришлари кўпроқ фойда берарди. Бунга қўшимча худди шу ҳудудий раҳбарлар бир вақтнинг ўзиди маҳаллий ҳоқимиятга буйсунади, яъни назорат қилувчи ва назорат остидалик тамойиллари орасида яна манфаатлар тўқнашуви юзага келади.

Шу ўринда маҳаллий Кенгашларда тадбиркорлар депутат бўлиб қатнашиши ҳақида гапириб ўтиш керак, деб ўйлайман. Менимча, бу жуда тўғри эмас. Маълумки, яхши тадбиркорлар ўз ишларига катта меҳр билан қарашади. Натижада жамоат ва

хусусий ишлари манфаатлари тўқнашиши эҳтимоли жуда катта. Гарчи кўпчилиги бу тўқнашувда сайловчиларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, иш юритса-да, баъзан ўз депутатлик мандатини бизнес ишларида рўқач қилувчилар учраб туради. Шахсан ўзимнинг тажрибамда бир-икки нафар шундай депутатлар маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш керак, деган баландпарвоз шиор ва дўқларни ишлатиб, тармоғимизга ўз корхоналарининг маҳсулотларини жойлашга ҳаракат қилишган. Рад жавоб олишганида эса устимиздан давлат органларига ҳар хил депутатлик сўровларини юбориб, босим ўтказмоқчи бўлишган.

Бунинг устига, тадбиркорларнинг давлат ҳоқимияти органларида ҳеч ким билан ёмонлашмасликка ҳаракат қилишларини кўшсангиз бўлади. Сабаби, баъзида бўлса-да, шу ташкилотларга ишлари тушиб туради.

Бу ҳолатларнинг барчасининг умумий сабаби — депутатлар корпуси ҳали-ҳануз профессионал мустақил бўлмаганидир. Масалан, маҳаллий Кенгашларда депутатлик жамоат иши, деб юритилади. Яъни улар бу ишга қандайдир ижтимоий юк, солиқ, вазифа, деб қарашлари, асосий ишларидан ортган вақтдагина депутат бўлиб ишлашлари сабабли, кўп ҳолларда, бу муҳим вазифага етарли эътибор бера олмайдилар.

Шунинг учун тўлиқ фикрим шундан иборатки, биз қонунчилик ҳоқимияти тармоғининг қуйи идоралари, яъни маҳаллий ва ундан юқори Кенгашларнинг ўз вазибаларини изчил, самарали, мустақил ва мантиқли юритишларини истасак, профессионал сиёсатчилар синфи, ҳеч кимга тобеъ ва қарам бўлмаган профессионал депутатлар корпусини яратишимиз керак.

Зафар ҲОШИМОВ,
«Korziinka.uz» асосчиси.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

КИМЛАРГА САНАТОРИЙЛАР УЧУН БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА БЕРИЛАДИ?

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар фақат ДХМ ёки ЯИДХП (my.gov.uz) орқали берилади.

Йўлланмалар қуйидаги тоифадаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга тақдим этилади:

- ☑ уруш ногиронларига ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар;
- ☑ ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг янги никоҳдан ўтмаган бева хотинлари (бева эрлари);
- ☑ республика аҳамиятига молик шахсий пенсия олувчи шахслар;
- ☑ Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нуруланиш касаллигига чалинган ва уни бошидан кечирган шахслар, шунингдек, Чернобиль ҳалокати сабабли ногирон бўлиб қолган шахслар;
- ☑ ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар;
- ☑ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, кўзи ожиз I гуруҳ ногиронини кузатиб борувчи шахс;
- ☑ ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар;
- ☑ ёшга доир пенсия олувчилар.

Давлат хизматлари кўрсатилгани учун йиғим ундирилмайди.

МАНЗАРА

«УЧ ОЙДАГИ ЎЗГАРИШНИ ТАЪРИФЛАШ ҚИЙИН...»

Сўнгги 3 ойда маҳалламизда катта бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. «Темир дафтар»да турувчи, ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш ўртоғи вафот этиб, вояга етмаган икки нафар фарзандини ёлғиз тарбиялаётган Саноатхон Мавлоновага ҳомийлар ҳамда маҳалла кўмагида уй қуриб берилди.

Ҳудуддаги 23-мактаб қайта реконструкция қилиниб, замонавий кўринишга келди. Аввал бола сони кўплиги учун дарслар икки сменада ташкил этилиб, таълим сифатига салбий таъсир этарди. Спорт зали йўқлиги учун машғулотлар ҳўжақўрсинга ўтиларди. Мактаб эндиликда 550 ўринга етказилиб, янги спорт зали барпо этилди. 75 ўринли 22-ДМТТ қайта таъмирланиб, 200 ўринли муассасага айланди. Маҳалламизнинг Ободон қишлоғидаги 50 ўринли 41-ДМТТ филиал мақомида бўлиб, талабга жавоб бермай кўйганди. Бу муассаса таъмирланиб, 125 болажонни бағрига сиғдирадиган бўлди.

5 минг ўринли «Ингичка» жомеъ масжиди замонавий кўринишда қайта қурилмоқда. Қолаверса, 4 км. кўча асфальт қилинди, 2 та



янги трансформатор, 123 та таянч устунлар ўрнатилди, 2 км. ҳаво узаткич симлари тортилди, 8 км. масофа шағалланди, 10 км.га ичимлик сув тармоғи тортилди, 2 та тоза ичимлик сув қудуғи қазилди, 3 та сув минораси ўрнатилди.

Бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари давом этмоқда.



Улуғбек ЭРГАШЕВ,
Фурқат туманидаги «Ингичка» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ҲОЛАТ

Биз кундалик ҳаётимизда деярли ҳар соатда чеклардан фойдаланамиз — дўконларда, қаҳвахоналарда, кинотеатрларда ёки транспортда. Бу кичик квитанциялар зарарсиз кўринади, лекин улар аслида жуда хавфли. Биринчидан, бундай чеклар қайта ишланмайди, иккинчидан, уларда инсон соғлиги учун ниҳоятда хавфли бўлган захарли моддалар бор.

ФМ рақами
Чек Рақами № 169494
Фискал белги: 444041004025
Серия: SO00000011



СОГ БЎЛИНГ.

Сотилган товарлар Кайтарилиши
ва алмаштирилиши мумкин эмас
(Вазирлар Маҳкамасининг Қарори
№75 13.02.2003 йил дан).

Қоғозли чеклардан воз кечиш вақти келмадими?

Бундай чеклар қоғозини тайёрлаш учун дарахтлар кесилади, сув ва энергия сарфланади, ишлаб чиқариш жараёнида карбонат ангидрид чиқарилади, бу иқлим ўзгаришига олиб келади

ЧЕКЛАР — СОҒЛИҚ УЧУН ЗАРАРЛИ

«Бисфенол А» ёки «Бисфенол С» — чекларда қўлланиладиган моддалар бўлиб, улар мант пайдо бўлиши учун керак. Аммо бу икки модда инсоннинг репродуктив тизимидаги ўзгаришларга, эндокрин тизимнинг бузилишига, мия ривожланишининг кечикишига, диабет, саратон, семириб кетиш ва юрак-қон томир касалликларининг ривожланишига олиб келиши мумкин.

Кичик миқдорда уларнинг зарари билинмаслиги мумкин, аммо чеклардан тез-тез фойдаланганда уларнинг хавфи ортади. Токсинлар танада тўпланиб, вақт ўтиши билан жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

«Бисфенол» танага тери орқали киради. Қўллар нам ёки ёғли бўлса, масалан, крем ёки антисептикда, уларнинг сингиши тезроқ содир бўлади. Агар сиз чекка тегиб, кейин кўзингизни ёки бурнингизни тирнасангиз, «Бисфенол» ҳам танамизга киради.

«Бисфенол А»нинг зарари аллақачон Европа Иттифоқида тан олинган: 2011 йилда ундан болалар ўйинчоқлари ва сув идишларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш тақиқланган.

ЧЕКЛАР ҚАЙТА ИШЛАНМАЙДИ

Чеклар термал қоғоздан қилинади. Мураккаб таркиби сабаб (бисфенол термал қоғози) туфайли қайта ишловчи пунктлар чекларни қабул қилмайди, шунинг учун уларни қайта ишланадиган қутиларга солиб бўлмайди.

Ушбу чекларни махсус йиғиш пунктлари мавжуд. У ерда чеклар улардан

ишлаб чиқаришда фойдаланадиган корхоналарга юборилади, масалан, қурилиш материалларига қўшилади ёки йўл қопламалари учун ишлатилади. Аммо бундай компаниялар жуда кам. Шунинг учун уларнинг аксариятининг «умри» чиқинди хоналарда, ёки заводларида ёки атроф-муҳитга ташлаш билан тугайди.

ТАБИЙ РЕСУРСЛАРГА ЗАРАР КЕЛТИРАДИ

Биргина Россияда чеклар учун йилига 10 минг тонна термал қоғоз ишлатилади. Бу эса Эйфел минорасининг оғирлигига тенг. Бундай чеклар қоғозини тайёрлаш учун дарахтлар кесилади, сув ва энергия сарфланади, ишлаб чиқариш жараёнида карбонат ангидрид чиқарилади, бу эса иқлим ўзгаришига олиб келади.

Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар йили АҚШда оддийгина чеклар сабаб 12,4 миллион дарахт кесилади, 50 миллиард литр сув ишлатилади ва 200 минг тоннага яқин карбонат ангидрид гази чиқарилади.

Демак, қоғоз чеклардан воз кечган ҳолда, уларнинг электрон шаклидан фойдаланишни йўлга қўйиш муаммонинг ечими бўла олади. Чунки бугунги кунда барча амалиётларни битта телефон тугмаси орқали амалга ошириш мумкин.

Айни пайтда юртимизда, ҳатто метро жетонлари ўрнига чеклар берилмоқда. Бизнингча, бу ҳолатда чек ўрнига махсус транспорт карталаридан фойдаланган маъқул. Аввало, вақтингиз тежаласиз, қолаверса, миллионлаб дарахтлар, сув захираси ва иқлим ҳолатини сақлашга озми-кўпми, ҳисса қўшган бўласиз. Чунки махсус транспорт карталарини бемалол йиллаб ишлатиш мумкин.

Бугун экологик муаммолар биргина давлат ёки ҳудуднинг эмас, баки дунё миқёсидаги муаммога айланиб улгурди. Шунинг учун экологик вазиятни яхшилашга асқатадиган кичкина бир ҳаракат анча юқори баҳоланадиган даврда яшаётганимизни унутмайлик!

Саида
ИБОДИНОВА.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«ОЧИҚ БЮДЖЕТ» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА

Вобкент туманининг «Мирвоши» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Воши қишлоғини асфальтлаштириш мақсадида ташаббускор фуқаролар «Очиқ бюджет» электрон тизимига таклиф киритишди.

Бу таклиф аҳоли томонидан қўллаб-қувватланиб, керакли овозлар йиғилгани бугун ўз самарасини берди. Айни вақтда 330 миллион сўм маблағ эвазига Воши қишлоғининг 650 метр узунликдаги йўлига асфальт ётқизилмоқда. Айтиш жоизки, кўп йиллардан буён кўчалар таъмирталаб ҳолга келиб, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди. Қолаверса, бу ёғин-сочинли кунда ўқувчиларнинг шу кўчадан мактабга қатнашида қийинчилик туғдирарди. Эндиликда фаол фуқаролар ташаббуси билан кўчалар қайта таъмирланаётганидан аҳоли миннатдор.



БИЛАСИЗМИ?

ТАДБИРКОРЛИК УЧУН СУБСИДИЯЛАР БЕРИЛАДИ

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуйидаги мақсадлар учун субсидиялар ажратилади:

- енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун – **БҲМнинг 30 бараваригача** (9 млн. сўмгача) миқдорида;
- суғориш воситалари харид қилиш учун – **БҲМнинг 10 бараваригача** (3 млн. сўмгача) миқдорида;
- уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун – **БҲМнинг 3 бараваригача** (900 минг сўмгача) миқдорида;
- ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари ва ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларга уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиш учун – **БҲМнинг 10 бараваригача** (3 млн. сўмгача) миқдорида;
- «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги қўлда гилам ва ипак мато тўқиш билан шуғулланувчиларга **3 тадан кам бўлмаган иш ўрни яратиш шarti билан** гилам ва ипак мато тўқиш дастгоҳини харид қилишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун – **ҳар бир дастгоҳ учун БҲМнинг 10 бараваригача** (3 млн. сўмгача) миқдорида;
- «Яйлов хўжалигини ривожлантириш» уюшмаси аъзоларига қўл меҳнати учун ускуналар харид қилиш бўйича харажатларни қоплаш учун **камида битта иш ўрни яратиш шarti билан БҲМнинг 10 бараваригача** (3 млн. сўмгача) миқдорида;
- 2025 йил 1 январгача жисмоний шахсларнинг аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун – **БҲМнинг 2 бараваридан ошмаган** (600 минг сўмгача) миқдорда бир марталик;

тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун – **7 миллион сўмгача**, хотин-қизларга **10 миллион сўмгача**;

тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ишсиз фуқароларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки 3 ой мобайнида олинган бино ва иншоотнинг ижара тўловини тўлаш учун – **БҲМнинг 10 бараваригача** (3 млн. сўмгача) миқдорида;

хунармандларнинг «Хунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатлари учун – **аъзолик бадали миқдорида**;

аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган, тадбиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳлаётган ишсиз шахсларга – яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун – **сарфланадиган харажатларни тўлашда бир марталик**;

«уста-шогирд» аъзолари асосида ёшларга хунар ўргатаётган хунармандларга (қуллоларга) шогирдлар тайёрлаш, зарур хомашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун – **6 ой давомида ҳар ойда БҲМнинг 2 бараваридан** (600 минг сўмдан) кам бўлмаган миқдорда;

шогирдларга – мустақил фаолият бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиш, шунингдек, усталарга – интернет сайтларини ташкил этиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатларининг **50 фоизи**, бироқ **БҲМнинг 25 баравари** (7,5 млн. сўм) миқдоридан ошмайдиган қисмига субсидия ажратилади.

БУГУННИНГ ГАПИ



Ижро ҳужжатлари нега «копток» бўляпти?

ВАҲОЛАНКИ, ҚОНУНГА АСОСАН, ДАВЛАТ ИЖРОЧИСИ ИЖРО ҲУЖЖАТИ УНГА КЕЛИБ ТУШДИМИ, 1 КУН ИЧИДА ИЖРО ИШИ ҚЎЗГАТИШИ ШАРТ. ИЖРО ИШИ ҚЎЗГАТИЛГАНИДАН КЕЙИН ИЖРО ҲУЖЖАТИНИ ҚАЙТАРИШ НОТЎҒРИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

Олди-сотди масаласида муаммолар юзага келса, ўртадаги келишмовчилик судлар томонидан ҳал этилишини билемиз. Молиявий қарздорлик одатда суд қарори чиққач, ижрога қаратилади. Уз навбатида кейинги жараён МИБларга ўтади. Агар шу билан муаммо ҳал бўлади, десангиз янглишасиз. Суд ундиришни белгиланган маблағлар ҳамма вақт МИБлар томонидан ундириб берилмади. Аксинча, турли сабаблар билан суд ижро ҳужжатлари қайтарилиши ҳам мумкин. Ачинарлиси, бу ҳолат бугун жуда катта рақамларда акс этмоқда. Демак, шунча одамнинг умидлари пучга чиқяпти.

Бу бўйича ҳуқуқшуносларга мурожаат қилганимизда, улар ҳам фикримизни тасдиқлашди. Аслида, сизнинг фойдангизга чиқарилган суд қарори ҳали масала ҳал бўлди, дегани эмас. Баъзида судлар томонидан хатолик билан юборилган ижро варақаларини МИБ ижрочилари ўша судларнинг ўзига қайтариб юборади. Мана шу ерда бунинг жабрини фақат фойдасига суд қарори чиққан шахс кўради. Чунки ижро варақасини судга қайтариб юборилиши ижро ва ундирув амалга ошмаслигини билдиради. Тошкент шаҳар МИБ берган баёнотда пойтахтнинг ўзида 6 ой ичида 130 мингдан ортиқ ижро ҳужжатлари судларга қайтариб юборилгани айтилди. Шу баёнотдан кейин мавжуд муаммо ва бунга сабаб бўлаётган омиллар янада равшанлашди. Маълум бўлишича, жараёнда судлар ижро варақаларини «MIB portal» дастури орқали МИБ бўлинмаларига электрон шаклда

юборади. Ҳуқуқшунос Сайидали Мухторалиевнинг маълум қилишича, бу порталга эгалик МИБга тегишли ва ушбу дастурий таъминотда «шлюз» деган техник жараён бор. Ҳамма муаммо ва ҳамма гап, мана шу «шлюз»да ва ундан ўз манфаатида фойдаланиб келаётган МИБ ижрочиларида бўлиб чиқмоқда. Олий суд масъул ходими кўрсатишича, ижро варақасини чиқарган судья электрон тизим орқали базага суд, ундирувчи ва қарздорга оид «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида кўрсатилган барча маълумотларни киритади. Шундан сўнг, судья МИБнинг тегишли туман бўлинмасига «MIB portal» электрон ижро варақасини юборади. Маълумотлар тўлиқ тўлдирилган бўлса, портал «қабул қилинди» деб жавоб қайтаради ва ҳақиқатдан ҳам амалда шундай бўляпти.

Бироқ МИБнинг ушбу дастурида юборилган ижро варақасига оид маълумотлар «шлюз» ҳолатида туради, яъни электрон ижро варақасини қабул қилиб олган давлат ижрочисининг «муносабатини кутиш» ҳолатида. Баъзи ижро варақаларида «шлюз» ҳолати 10-15 кунлаб турибди. Ва ижрочи истаса, ана шу «шлюз» ҳолати («имконияти»)дан фойдаланиб, ижро варақасини судга қайтариб юборади. Кўпинча ижро варақалари ҳисобот ойнасини охирига келиб «пачка-пачка»лаб қайтарилмоқда. Бундан МИБ ижрочилари ўз иш юкларини сунъий равишда пасайтиришни уйлаб шундай қилмоқда, деган фикр юзага келмоқда. Ваҳоланки, қонунга асосан, давлат ижрочиси ижро ҳужжати унга келиб тушди, 1 кун ичида ижро иши қўзғатиши шарт. Ижро иши қўзғатилганидан кейин ижро ҳужжатини қайтариш нотўғри бўлиб қолади. Бу амалиётни тўхтатиш керак. Ўзбекистонда судлар ҳам,

МИБ ҳам давлат органлари ҳисобланади (улар қандайдир ташкилотлари эмас), демак, бир томонда ижро варақаси берилган фуқаролар ва юридик шахслар бўлса, иккинчи томонда ДАВЛАТ турибди. Бу икки давлат органи ижро ҳужжатларини «копток» қилишидан, бу икки органнинг ички муаммоларидан бошқа фуқаролар асло жабр кўрмаслиги, суд ва МИБ ўртасидаги ички муаммолардан фаолиятидаги муаммонинг жабри айбсиз фуқароларга тушмаслиги керак. Ижро ҳужжатларини қайтариш амалиётини умуман оқлаб бўлмади. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг ижро ҳужжатларини ижросиз қайтариш ҳақидаги 8- ва 24-моддалари умуман халқчил эмас ва бу амалиётни батамом тўхтатиш керак.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ОБОД КЎЧА ВА ХОНАДОНЛАР СОНИ ОРТЯПТИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида Гулистон туманининг кўпгина маҳаллаларида улкан бунёдкорлик, қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Юртнинг обод ва фаровонлиги маҳаллалардан, хонадонлардан бошланиши бор гап. Янгича қиёфага кираётган, бир-биридан обод хонадонлар сони кўпайиб бораётган масканлардан бири «Сойибобод» маҳалласида «Обод хонадон, обод кўча» мавзусида кўргазмалар семинари ташкил этилди.

Семинарда Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Улмасжон Мамадаминов, туман сектор раҳбарлари, нуроний отахон ва онахонлар, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Семинарда сўзга чиққанлар ўзини ўзи бошқариш тизими сўнгги йилларда халқимизнинг азалий кадриятлари, эзгу орзу-умидларига ҳамоҳанг равишда ривожланаётгани, маҳалла институтининг нуфузини кўтаришга нафақат иқтисодий, ижтимоий, балки сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масала сифатида алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳақида фикр билдирди. «Сойибобод» маҳалласида 2 949 нафар аҳоли яшаб келмоқда. Мазкур маҳаллада 1-сектор раҳбарининг «штаби» жойлашган бўлиб, барча ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муаммолар тизимли ҳал этиб келинмоқда.



Семинар иштирокчилари маҳалладаги «Обод кўча» деб топилган Синчалак кўчасидаги «Обод хонадон»ларда бўлишди. Мазкур кўчадаги Олим Ақромқулов хонадонидан оилавий мактабгача таълим ташкилоти фаолият олиб бормоқда. Бу ерда 4 нафар аёл доимий иш билан таъминланган. Қатнашчилар хонадонни кўздан кечириш билан бирга, маҳалланинг «бешлиги» ҳисоботларини эшитишди.

«Обод ва фойзли хонадон» дея эътироф этилган Муҳаббат Тошболтаева, Холмамат Хушназаров ва Ҳасанбой Мирзакуловлар хонадонидан бўлган иштирокчилар

хонадон эгаларининг томорқа ва рўзғор юритиш маданияти билан танишдилар.

Туман ҳокими Сайдимқул Бегимқулов уларни эсдалик совғалари билан тақдирлади.

«Сойибобод» маҳалласининг қайси бир хонадонига кирманг, обод, фойзли бўлиб турибди. Маҳалла аҳли жамиятимиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси билан яшаб келмоқда.

Шухрат ХУШМУРОДОВ, Гулистон тумани маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз худудидида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишга масъул. Бу ҳақда «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилган.

Унга кўра:

— давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда, жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларни фож этишда, жиноят ишларини тергов қилишда, жиноятчиларни қидиришда, бедарак йўқолганларнинг турган жойини аниқлашда, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ички ишлар органларига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шарт.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

2050 йилга бориб юртимизда сув танқислиги беш баробарга ошади... (ми?)

Марказий Осиё мамлакатларида, хусусан, Ўзбекистонда сув танқислиги билан боғлиқ вазият йилдан-йилга жиддий тус олмоқда. Шу маънода сувдан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан. Қайд этилишича, республика ишчи гуруҳи икки ой давомида ҳудудларда ерости чучук сувларидан фойдаланиш, дарё ўзанларида кум-шағал казиш ишларининг бу сувларга салбий таъсирини ўрганиб чиқди.

ОЧИҚ ҚОЛГАН СУВ ЖЎМРАГИДАН ҲАР ДАҚИҚАДА 15 ЛИТР СУВ ТУШАДИ. МАБОДО ЖЎМРАК ОЧИҚ ҚОЛСА, СОАТИГА МИНГ ЛИТРГА ЯҚИН СУВ ИСРОФ БЎЛАДИ. БИР ЯРИМ СОАТГА ОЧИҚ ҚОЛГАН ЖЎМРАКДАН БИР ИНСОННИНГ БИР СУТКАЛИК СУВГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРАДИГАН ОБИ ҲАЁТ ОҚИБ КЕТАДИ

Тошкент вилоятидан оқиб ўтадиган Чирчиқ дарёси Чирчиқ ерости чучук сувлар конини доимий тўйинтириб туради. Ушбу конда 5 та ерости гуруҳли ичимлик суви олиш иншоотларидан 3 таси (Қибрай, ВУ-1, Ниёзбош) дарё ўзанида жойлашган. Сувли қатламнинг қалинлиги 20-70 метр, Янгийўл ва Чиноз шаҳарлари атрофида 120-350 метрни ташкил қилади. Ичимлик суви таъминоти учун фойдаланилаётган мазкур иншоотлардаги қудуқлар чуқурлиги Тошкент шаҳрига бўлган ҳудудда 20-70 метр, Янгийўл ва Чиноз шаҳарлари оралиғидаги ҳудудда 70-350 метрни ташкил этади. Ёз ойлари яқинлашгани сари пойтахтимизда ичимлик сувидан тийиксиз фойдаланиш бошланиб кетади. Машина ювиш дейсизми, гилам ювиш дейсизми, дарахт ва ҳовлиларни суғориш дейсизми, буларнинг бари айнан ичимлик суви ҳисобидан амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида кўп қаватли уйларнинг юқори қаватларида яшовчи аҳолига кун давомида ичимлик сувининг яхши етиб бормаслигига сабаб бўлмоқда.

30 ЙИЛДАН СЎНГ НИМА БЎЛАДИ?

Ўзбекистонлик сийёсатшунос, «Ma'no» тадқиқот маркази директори Бахтиёр Эргашевнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда зудлик билан сувни тежовчи технологияларни жорий этиш зарур. Ҳозирда бу борада ишлар кетяпти, лекин унинг қамровини янада кенгайтириш лозим. Фермерларни томчилатиб суғоришни жорий этишга рағбатлантириш тизимини яратиш, шунингдек, сув тарифларини ошириш керак.

2040 йилларга бориб, Амударё ва Сирдарё оқимининг қисқариши билан Ўзбекистонда сув ресурслари тақчиллиги 33 фоизга етиши мумкин. Шу билан бирга, Жаҳон банки прогнозларига кўра, Марказий Осиёда тоза ичимлик сувининг этишмаслиги ЯИМнинг 11 фоизга пасайиб кетишига сабаб бўлади. Минтақада 80-90 фоиз сув ресурслари қишлоқ ҳўжалигида ишлатилмоқда. Суғориладиган ерларнинг минтақа бўйича умумий майдони 7 695 млн. гектар, Ўзбекистонда эса 4,2 млн. гектарни ташкил этади.

«Ўзгидромет» хизматининг 2012-2021 йиллар оралиғида кузатувлар таҳлилига кўра, иқлим ўзгариши туфайли ёгингарчиликнинг кам

бўлиши, айрим йилларда вегетация даврида қурғоқчилик рўй бериши, Чорвоқ сув омборига (Чирчиқ дарёсига) ва Зарафшон дарёсига 2013-2014, 2018, 2020 ва 2021 йилларда меъёрдан 10-15 фоиз кам сув келиши кузатилган.

СУВ ТАНҚИСЛИГИ, ЎЗ НАВБАТИДА, ИЧИМЛИК СУВ ТАНҚИСЛИГИГА ОЛИБ КЕЛМОҚДА. СЎНГИ 15 ЙИЛ ИЧИДА АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ЙИЛЛИК СУВ ҲАЖМИ 3048 М³. ДАН 1589 М³. ГАЧА КАМАЙГАН.

Жаҳон банки таҳлилий кўрсаткичларига кўра, 2050 йилга бориб Ўзбекистонда сувга бўлган талаб 59 куб/км.дан 62-63 куб/км.гача ошади ва мавжуд сув ресурслари 57 куб/км.дан 52-53 куб/км.гача камаяди, бу эса жорий сув танқислигини (2 куб/км.дан 11-12 куб/км.гача) беш баробарга оширади.

Ичимлик сув таъминотидан фойдаланишда асосий хавфлар чучук сувнинг ўткир тақчиллиги, фойдаланиш учун рақобат, ифлосланиши, қурғоқчилик ва бошқалардан иборат экани айтилган.

МАЪЛУМОТ УЧУН: ЎРТАЧА ЙИЛЛИК ЕРОСТИ СУВ САТҲИ 2014 ЙИЛДА 2,15 МЕТР БЎЛГАН БЎЛСА, ҲОЗИРДА 5,38 МЕТР БЎЛИБ, 3,23 МЕТР САТҲ ПАСАЙГАНИ АНИҚЛАНГАН. ИНШОТ ЯКИНИДА КУМ-ШАҒАЛ КАРЬЕРЛАРИ МАВЖУДЛИГИ СИЗОТ СУВЛАРИ 1-2 МЕТР ПАСАЙИШИГА ТАЪСИР ЭТМОҚДА.

БИР КУНЛИК ЭҲТИЁЖ ҚАНЧА?

БМТ маълумотида кўра, сўнги ярим асрда Марказий Осиё аҳолисини сув билан таъминлаш 3,5 баробарга камайган. Глобал сув ташаббуси гуруҳининг таҳлил-прогнозида 2025 йилга бориб Марказий Осиё давлатлари аҳолиси жиддий сув танқислигига дуч келиши қайд этилади. Айрим башоратларга кўра, шу йилга келиб дунёдаги жами 52 та мамлакат аҳолиси чучук сув танқислиги муаммосига рўбарў келади.

Норма бўйича маиший эҳтиёжлари учун бир киши бир кунда 3 куб метр — уч минг литр сув сарфлаши белгиланган. Демак, бир кишининг уйдаги бир кундаги эҳтиёжи 200 литр совуқ ва 100 литр иссиқ сувни ташкил қилади. Сувни ҳисоблагичсиз тақсимлагандаги меъёр ана шунақа. Марказий Осиёда истиқомат қилаётган

бир кишига атиги 1,7 куб метр — 1 минг 700 литр сув тўғри келади. Бу шу бугунги маиший нормага қараганда қарийб икки баробарга кам демакдир. Биз энди ҳар бир томчи сувни авайлаб сарфлашимиз лозим.

Очиқ қолган сув жўмрагидан ҳар дақиқада 15 литр сув тушади. Мабодо жўмрак очик қолса, унда соатига минг литрга яқин сув оқиб исроф бўлади. Бир ярим соатга очик қолган жўмракдан бир инсоннинг бир суткалик сувга бўлган эҳтиёжини қондирадиган оби ҳаёт оқиб кетади. Шундай экан, тоза ичимлик суви муаммоси кундан-кунга долзарблашаётган замонда, сизу биздан хушёрлик, давлатимиздан бу борада қатъий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш талаб этилади.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

— МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП? —

БОШҚАРМА ВАЗИЯТНИ БОШҚАРИБ ТУРИБДИ

Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, фуқароларни қийнаб келаётган муаммоларга ҳуқуқий ечим топишда сайёр қабулларнинг аҳамияти катта.

Бу борада Навоий вилояти Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси йил бошидан аниқ чора-тадбирлар тақсимлаб олган ҳолда вилоятнинг барча ҳудудларида сайёр қабуллар ташкил этмоқда.

Хатирчи туманидаги «Янги қурилиш» маҳалласида масъул раҳбарлар бошчилигида аҳолининг мавжуд муаммолари тингланиб, уларнинг ечимини бўйича сайёр қабул ўтказилди. Унда фуқаролар нафақа ва пенсия тайинлаш, моддий ёрдам

олиш, ишга жойлашиш, соғлиғини тиклаш билан боғлиқ масалаларда масъулларга юзланишди. Қабул давомида ҳар бир фуқаронинг мурожаати эшитилиб, вақт талаб қиладиганлари масъуллар томонидан тегишли тартибда қайд этиб олинди. 14 нафар фуқаронинг мурожаати жойида ҳал этилди. Жумладан, икки нафар фуқарога ногиронлик аравачаси, яна икки нафарига сиҳатгоҳда саломатлигини тиклаш учун йўлланмалар берилди.



СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Инсон дунёга келар экан, унинг вазифаларидан бири, шубҳасиз, ўзидан зурриёт қолдириш ва шу йўл билан бутун олам, ер сайёраси ривожига ҳисса қўшиш, ҳаёт занжирини давом эттиришдан иборат. Аслида, биз фарзандни ўзимизнинг ҳар томонлама ривожланишимиз учун дунёга келтиришимизни билармидингиз? Чуқурроқ қарайдиган бўлсак, ота-она фарзандни ўзи учун дунёга келтиради.



«БОЛАЛАРСИЗ ҲАЁТ»

КИМЛАРГА КЕРАК?

ЁХУД ИНСОНИЯТНИ ТАНАЗЗУЛГА ЕТАКЛАЁТГАН ҒОЯЛАР ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Фарзандимизнинг ютуқлари, кўриниши, кийими, бийрон сўзлашидан фахрланамиз ва ўзимизнинг ҳар томонлама ўсаётганимизни унинг камолида кўрамиз. Демакки, фарзандни биз унга кераклиги учун эмас, ўзимизга кераклиги учун истаймиз, унинг туғилишини муштоқ бўлиб кутамиз. Албатта, фарзанд бизга бу дунёда ҳеч ким ва ҳеч нарса беролмаган қувонч шодликлар ҳиссини беради. Унинг кулгулари, эришган ютуқлари бизга бу ҳаётда яшашимиз, юқори марраларни эгаллашимизга рағбатлантиради, иродаимизни тоблайди.

Аммо бугунги кунда дунё бўйича оила ва унда фарзанднинг ўрнини йўққа чиқарувчи бир қараш шаклланиб кетди, бу инсониятга, оила қадриятларига таҳдид, хатарли ҳаракатдир.

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИГА ДАРЗ ЕТКАЗУВЧИ «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ»НИНГ БИЗ АЙТГАН КЎРИНИШЛАРИДАН БИРИ «CHILDFREE» ДИР. МАЗКУР АТАМА «БОЛАЛАРСИЗ ҲАЁТ» ДЕГАН МАЪНОНИ АНГЛАТАДИ.

Бу йўналиш тарафдорлари фарзанд кўришни истамайди. Фарзанд кўрмасдан яшаш ўтган асрнинг 70-йилларида Фарбда урф бўла бошлади. «Childfree» тарафдорлари бола тарбияси билан шуғулланиш — эскилик сарқити, деган куракда турмайдиган баҳона билан ўзларини оқламоқчи бўлишади. Уларнинг

фикрича, интеллектуал қоқоқ аёлларгина эрларини оилага боғлаб олиш мақсадида фарзанд кўриб, болалардан маънавий қурол сифатида фойдаланади.

Инсоният учун фалокатга олиб бориши мумкин бўлган бу ғояга эргашаётган балоғат ёшидаги қизлар бола шахс камолоти, карьера қилишга халақит беради, деган мулоҳаза билан фарзандли бўлишни иштамаяпти. Ғоя тарафдори бўлган эркаклар эса «Ривожланган давлатларда ижтимоий ҳимоя яхши йўлга қўйилган. Инсон қариганида давлат унга ғамхўрлик кўрсатар экан, боланинг нима кераги бор?» дейишмоқда.

Аслида-чи? Фарзанд бизга фақат қариганимизда боқиш учун, инжикликларимизни кўтариш, нима десак, чидаш учун керакми? Уни биз ўзимиз учун, ўзимизнинг қувончимиз учун, роҳатимиз, юзимиз ёруғ бўлиши учун дунёга келтирган бўлсак, нега энди биз унга кўплаб талабларни қўйишимиз керак? Унинг алоҳида шахслигини, бизга ўхшаган инсон эканини баъзида унутиб қўямиз. Шунинг учун унинг айнан ўзимизга ўхшашини истаймиз. Балки шу боис юқоридаги боласизлик ғоясини тарғиб қилаётганлар қариганимизда бизни давлат боқиб олади, деб калта ўйлаётгандир?

Орамизда бир марта бўлса-да, Америкага кетишни орзу қилмаган одам топилмаса керак. Аммо океанорти ҳар соҳада биз ўйлагандек сеҳрли диёр эмас. Энг фожиали томони, бугунги кунда АҚШда «childfree» ғоясини қўллаб-қувватловчи 40 дан ортиқ ташкилот мавжуд. АҚШ миллий соғлиқни сақлаш маркази маълумотларига кўра, ўз хоҳишига кўра фарзандсиз ҳаётни танлаётган инсонлар

сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Аёлларнинг 25 фоизи шуни тўғри йўл, деб ҳисоблашади.

Америкалик олим Патрик Жозеф Бьюкенен Америкадаги демографик инқироз ҳақида ташвишланиб шундай деб ёзади: «Одамларнинг фарзандли бўлиш ва бола парвариши билан шуғулланишни истамаслиги, оила қурмасдан, пала-партиш ҳаёт кечириши Американи оммавий муҳожирликни ҳар жиҳатдан рағбатлантиришга мажбур қилмоқда. Америкаликлар ўз таомаддини, маданияти ва давлатини сақлаб қолмоқчи бўлса, бола туғилиши, оила мустаҳкамлигига эътибор бериши, болалар ва оилаларга ғамхўрлик эса давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиши даркор».

2020 йилги маълумотларга кўра, 18 ёшдан 45 ёшгача бўлган Россия аҳолисининг ярми фарзандли бўлишни истамайди. Уларнинг аксариятини олий маълумотли, ҳаётда муайян мақсадга эга, болаларни деб ўз роҳат-фароғати ва карьерасидан воз кечишни хоҳламайдиган инсонлар ташкил этади.

Яқинда Корея давлатида ўқиб келган танишим айнан шу масалада гапириб қолди. Унинг айтишича, фарзанд кўришга шошилмаётган экан. «Чунки унинг инжикликлари, турмуш ўртоғининг талаблари билан қўшилса, мен ўйлаган режаларимни йўлга қўйишда тўсиқ бўлиши мумкин. Аслида бу ҳаётда фарзанд кўриш муҳим эмас» — дейди суҳбатдошим.

Албатта, бировнинг танловини муҳокама қилиш умуминсоний қадриятларга тўғри келмайди. Лекин оила ва фарзандлар инсонни

эгоизм иллатидан қутқариб, бошқалар манфаати ҳақида ўйлаш, сабр-тоқат каби хислатларга ўргатади. Ўз ичидан туғилган севги, қувонч, бахт туйғуларини бўлишиш учун оила қурилади, фарзанд кўрилади.

Ризқ масаласида ўйланмасак бўлади. Куръони каримнинг «Анъом» сураси 151-оятда «...болаларингизни камбағалликдан (кўрқиб) ўлдирмангиз – биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантирурмиз», дейилади.

Шундай экан, боқолмайман, карьера қилолмайман, фарзанд бўлса, ривожлана олмайман, деб ундан воз кечиш ёки фарзандсизликни

тарғиб қилиш, бу — инсониятни ҳалокатга олиб боровчи фикр, ғоядир. Тасаввур қилинг, неччидир юз йиллардан кейин дунёда бирорта бола бўлмаса, жамият фақат катталардан иборат бўлса... Буни ўйлашнинг ўзиёқ даҳшат!

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, «Болали уй бозор — боласиз уй мазор» деган мақолни халқимиз нақадар топиб айтган. Доим бу дунё гўдаклар кулгусига тўлиб турсин. Зеро, фарзандлар бизни катта қаҳрамонликларга чорлаб турувчи йўлчи юлдузларимиздир.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

— МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП? —

10 ТА МАҲАЛЛА МУРОЖААТЛАРИ ТИНГЛАНДИ

Конимех туманидаги «Наврўз» маҳалласида туман ҳокими Р.Рўзиев ҳамда вилоят ҳокими ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи М.Мамадиёрова иштирокида сайёр қабул ўтказилди.

Қабулда аҳоли томонидан билдирилган муаммоларни жойида бартараф этиш мақсадида сектор раҳбарлари ҳамда тегишли муассаса ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди. Ўтказилган сайёр қабулда «Наврўз», «Бирлик», «Дўстлик», «Гулистон», «Юксалиш», «Шўртепа», «Шўркўл», «Тўққизтепа», «Зафаробод» ва «Кўкча» маҳаллаларида истиқомат қиладиган фуқаролар иштирок этишди. Қабул давомида туман

аҳолиси соғлиқни тиклаш, тадбиркорлик билан шуғулланиш, уй-жой таъмири, бандлик, субсидия асосида турар жой олиш, моддий ёрдам кўрсатилишини сўраб мурожаат қилишди. Жами қабул давомида 34 нафар фуқародан 50 тага яқин мурожаат ва таклифлар келиб тушди. Барча мурожаатларнинг ижроси назоратга олиниб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли мутасадди ташкилот ва идораларга топшириқлар берилди.

ҲОДАТ

Йўл юзида сотилаётган тарвузлар сифатига ким жавобгар?



МАҲСУЛОТЛАРНИНГ МУЗЛАТГИЧСИЗ, ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ҚУЁШ ТИҒИДА СОТИЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ. САВДО ЖОЙЛАРИ САРАНЖОМ ВА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АШЁЛАР ОЗОДА БЎЛИШИ ШАРТ

Бугун йўл юзида харидорларга турли маҳсулотларни таклиф қилаётган сотувчиларга кўзингиз тушади. Бир қарашда йўл-йўлакай маҳсулотларни сотиб олиш қулайдек туюлади. Аммо лаборатория кўригидан ўтмаган полиз маҳсулотлари, уй шароитида тайёрланган айрон, гўжалар инсон ҳаёти ҳамда саломатлиги учун хавфли ҳисобланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги кун тартибда турган бир шароитда, белгиланган қонунчиликка кўра, тадбиркорлик билан шуғулланаётган ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ўз маҳсулотларининг сифатини тасдиқловчи ҳулоса бўлганидагина уларни сотувга чиқариши мумкин.

СИФАТИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТИ БОРМИ?

Истеъмолга яроқсиз ва лаборатория кўригидан ўтмаган полиз маҳсулотлари, уй шароитида тайёрланган айрон, гўжалар инсон ҳаёти ҳамда саломатлиги учун хавфли ҳисобланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги кун тартибда турган бир шароитда, белгиланган қонунчиликка кўра, тадбиркорлик билан шуғулланаётган ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ўз маҳсулотларининг сифатини тасдиқловчи ҳулоса бўлганидагина уларни сотувга чиқариши мумкин.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги хавфсизлиги кафолатланмаган, истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳрини воҳа вилоятлари билан боғлаб турувчи асосий автомагистраль ва катта йўл ёқасида жойлашган савдо

шоҳобчаларида ўрганишлар олиб борди. Ўрганишлар давомида қуёш тигида, санитария-эпидемиологик ҳулосалари бўлмаган қовун-тарвуз ва бошқа полиз маҳсулотлари сотилаётгани маълум бўлди. Бундан ташқари, уй шароитида тайёрланган айрон, гўжа, қумрон, ўрик шарбати ва бошқа ичимликлар сотилаётгани аниқланди.

Қайд этиш керакки, маҳсулотларнинг музлатгичсиз, тўғридан-тўғри қуёш тигида сотилишига йўл қўйилмайди. Савдо жойлари саранжом ва фойдаланиладиган ашёлар озода бўлиши шарт. Ишчи гуруҳи томонидан ноқонуний сотув билан шуғулланаётган, савдони санитария-гигиена ҳолатларига хилоф равишда юргизаётган сотувчиларга тегишли тушунтириш ишлари олиб борилди.

ГЎЖА ҚАНДАЙ ШАРОИТДА ТАЙЁРЛАНМОҚДА?

Яна бир жихат: йўл юзасида сотилаётган салқинлантирувчи ичимликлар қандай тайёрланганини билмаймиз. Аксарият ҳолларда уларнинг сотилаётган жойлари ва фойдаланаётган анжомлари талабга жавоб бермайди. Аммо қулай бўлгани сабаб кўпчилик айрон, гўжа, қумрон, ўрик шарбати ва бошқа ичимликларни сотиб олаверади.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, истеъмолчи товар ҳақида, шунингдек, ишлаб чиқарувчи ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиши, товарни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли ҳамда хавфсиз бўлишини талаб қилишга ҳақли.

Шунингдек, «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуннинг 6-модда-

сига мувофиқ, озиқ-овқат маҳсулоти ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналар озиқ-овқат маҳсулотининг сифати, хавфсизлигига доир меъёрлар ва қоидалар талабларига мослиги баҳоланганидан ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ишлаб чиқарилиши, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кирилиши, реализация қилиниши ва ишлатилиши мумкин.

Истеъмолчиларга санитария-эпидемиологик ҳулосаси бор озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ва истеъмол қилиш тавсия этилади. Сабаби, ушбу ҳулоса олинган маҳсулотлар маълум технологик жараёнларда тайёрланган ва сифати кафолатланган маҳсулот ҳисобланади.

Умида МАНСУРОВА, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги бош мутахассиси.

БАРЧА БИЛГАНИ ЯХШИ!

ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА ТАРВУЗ СОҒЛИҚҚА ЗАРАР ЕТКАЗАДИ?

Мутахассислар тезпишар, яъни эртапишар тарвузларни истеъмол қилишда эҳтиёткорликка чақиради. Боиси бугун кўпчилик деҳқонлар ушбу маҳсулотни етиштиришда азотли ўғитлардан хаддан ортиқ кўп фойдаланмоқда. Бу эса кўпчилик инсонларнинг дориланган тарвузлардан захарланишига сабаб бўляпти.

Агар кимдир таркибида нитрат моддаси меъёрдан ортиқ бўлган тарвузни истеъмол қилса, унинг нохуш белгилари 4-6 соатдан кейин пайдо бўлади. Инсонда кўнгул айниши, қусиш, диарея, қорин ва бош оғриғи, 38-39 даражагача иситма кўтарилиши, юрак уришининг секинлашиши, қўлоёқларнинг совуқ қотиши ва бошқа белгилар кузатилиши мумкин. Захарланиш белгилари намоён бўлганда, дарҳол шифокор билан маслаҳатлашиш ва мутахассис тавсиялари асосида муолажаларни давом эттириш зарур. Мабодо,

кекса ёшли инсон, ҳомиладор аёл ёки 12 ёшгача бўлган бола захарланганда, «Тез ёрдам» чақириш мақсадга мувофиқ. Бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун тарвуз харид қилишда сотувчидан тегишли рухсатномани талаб қилиши керак. Унда маҳсулот манбаи, шунингдек, сифати ва хавфсизлигини тасдиқловчи зарур маълумотлар ўрин олган бўлади. Тарвуз танлаётганда, унинг бузилмаганига ишонч ҳосил қилинг. У шикастланмаган, ёриқларсиз ҳамда қораймаган, моғорламаган

бўлиши керак. Тарвуз кесилганда, ранги тоза қизил ва ўзгармаган бўлади. Тановул қилишдан аввал яхшилаб ювиш лозим. Шунингдек, уни совутилган ҳолда ейиш ҳамда истеъмол қилишда бошқа хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан аралаштириб юбормаслик, яъни таом қабул қилиш кетма-кетлигига риоя қилиш тавсия этилади.

Анвар ШУКУРОВ,
Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати санитария-гигиена бошқармаси бошлиғи.

Mahalla

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан
2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
«Mahalla» газетаси муҳаррири
Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla ko'zgusi» журналы
муҳаррири:
Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳқўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: **71 233-39-89,**
Обуна бўлими: **71 233-10-92.**
Баҳси келишилган нарҳда.
Нашр кўрсаткичи: **148**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчам — А3, 2 босма табоқ,
8 120 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-718 1 2 3 4 5 6
Газета тахририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.